



XASR

ИЖТИМОИЙ-СИЙOSIY
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқа бошлаган,


E-mail:
axborotXXIasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

2012 йил 3 май, пайшанба
18-(442)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



«ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА»-ГИ ҚОНУНИЙ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТОМОНИДАН 200 ДАН ЗИЁД ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ



«САВДОГАРБАНК» БИРИНЧИ ЧОРАҚДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН 17,5 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТЛАР АЖРАТДИ



ЖАҲОНДА ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР САРФ ЭТАЁТГАН УМУМИЙ ВАҚТИНИНГ ҲАР ОЛТИНЧИ ДАҚИҚАСИ АСОСАН ИЖТИМОИЙ ТАРМОКЛАРГА ТЎҒРИ КЕЛМОҚДА

ИСЛОХОТ

БАНК ТИЗИМИ

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Фонд форум

«ҲАЁТ УЧУН!» ХАЙРИЯ ФОРУМ-МАРАФОНИ

ТОШКЕНДА 1 МАЙ КУНИ «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САҲЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ, «ҲАЁТ УЧУН!» МИЛЛИЙ УЮШМАСИ, СЪЮЗЕН КОМЕН НОМИДАГИ САРАТОН КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ХАЛҚАРО ФОНДИ (АҚШ) ВА «АЁЛЛАР КЕНГАШИ» РЕСПУБЛИКА ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ ТОМОНИДАН «ҲАЁТ УЧУН!» ХАЙРИЯ ФОРУМ-МАРАФОНИ ЎТКАЗИЛДИ



Ўзбекистонда илк бор кенг қўламда ўтказилган ушбу форум-марафонда уч йил давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 100 мингдан орტიқ киши иштирок этди. Жорий йилда мазкур лойиҳа Тошкент шаҳрида 20 мингдан орტიқ ва Ўзбекистоннинг барча вилоятларида қарийб 40 минг иштирокчини қамраб олди. Бундай кенг қўламда хайрия марафонларини ташкил этиш қўқрак беги саратони касаллигига қарши курашишга жамоатчилик эътиборини қаратиш ва манфаатдор одамларни жалб этиш имконини бермоқда.

КОНЦЕПЦИЯ ҒОЯЛАРИ — АМАЛДА



Хотам МАМЛАДДИЕВ (ёша) олинган сурат

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИДАГИ ЭЪТИБОР ТУФАЙЛИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТА БОШЛАДИ

Айниқса, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, аҳолини, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлашда хусусий секторнинг беқиёс ўрнини бугунги ривожланиш истиқболлари ҳам кўрсатиб

турибди. Бундай натижа биринчи галда соҳа фаолиятини тартибга солувчи мукамал қонунчилик асосларининг яратилгани билан боғлиқ, албатта. Хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида экани Конституция ва қонунларда мустақамлангани эса ўрта синф

вакиллари фаолиятининг кенгайишига ҳизмат қилапти. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» таллаблари асосида ишлаб чиқилган «Оилавий тадбиркорлик тўғриси-

да»ги қонуннинг кучга кириши ҳам иқтисодиётнинг турли йўналишларида оилавий бизнесни ривожлантириш орқали аҳолини фойдаланиш меҳнатга жалб қилиш имкониятларини янада кенгайтиради, албатта.

3 >>>

«2012 йил — Мустақкам оила йили»

ФЕРМЕРЛИК БУ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ДЕМАК

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ РАИСИ ФАЙЗУЛЛА БЕРДИЕВ «XXI ASR» МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

Мамлакатимизнинг йигирма йиллик тарихига назар ташласак, бу шонли йўл бунёдкорона меҳнат ва изланишлардан иборат бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Тўғри, бугунги натижаларга осонлик билан эришилаётгани йўқ, албатта. Айниқса, агросаноат тизимида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар туфайли ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди, мулкка муносабат тубдан ўзгарди. Эндиликда мулк ҳам, мулкдор ҳам дахлсиз. Бу қонуний жиҳатдан тўла қафолатланганини алоҳида таъкидлаш лозим

Фермерлар бугун қишлоқдаги етакчи кучга айланди. Элюрт маъмуричилигини таъминлашда уларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Энг асосийси, фермерлик бу — юксак масъулият эканини қишлоқ мулкдорлари теран англамоқдалар. Ҳўш, ўрта қатлам вакиллари ана шу масъулият туйғусини қандай ҳис этишяпти? Уларнинг

меҳнат ва ижтимоий фаолиятини янада ошириш учун нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозим? — 2012 йил 1 апрель ҳолатига республикада 67412 та фермер хўжалиги бўлиб, уларга ажратилган жами ер майдони 5294,2 минг гектарни ташкил этади. Бошқача айтганда, ҳар бир фермер хўжалигига ўртача 80,1 гектардан ер майдони тўғри келмоқда. Уларда 1,4 млн. киши иш

билан банд. Мавжуд фермер хўжалиklarининг 36,6 мингтаси пахтачилик ва галлачилик, 16,6 мингтаси боғдорчилик ва узумчилик, 3,6 мингтаси сабзавот-полизчилик, 7,3 мингтаси чорвачилик ва 3,2 мингтаси бошқа соҳаларга ихтисослашган. Ушбу фермер хўжалиklarининг 47449 таси ёки 70,3 фоизи уюшма аъзосидир.

4 >>>

Имтиёз ва ИМКОНИЯТ

ДМҚ ЧОРАҚКА ЯҚУН ЯСАДИ

2012 йилнинг биринчи чорағида Давлат мулки қўмитаси қошидаги ижара марказлари томонидан қарийб 11,1 мингта фойдаланилмаётган нотурар-жойлар аниқланиб, уларнинг 9,8 мингтаси хусусий сектор вакилларига ижарага берилди. Натижада ҳисобот даврида давлат газнасига 9,06 млрд. сўм маблағ туширилиб, 22 мингта янги иш ўрни яратилди. Айни шу даврда республика бўйича 8,41 млрд. сўмлик 17 та давлат активи сотилиб, 11 та давлат участкаси давлат улushi мавжуд бўлган 788 та корхонанинг (267 та АЖ ва 539 та МЧЖ) 555 таси аввалги йилнинг I чорағига нисбатан кўпроқ фойда олди.

Парламентда

ҚўМИТА ВАЗИРЛАРНИ ЭШИТДИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ ҚўМИТАСИДА «ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ ТЎҒРИСИДА» ВА «ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО ТЎҒРИСИДА»-ГИ ҚОНУНЛАРНИНГ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚўМИТАСИ ТИЗИМИДАГИ ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

О'zLiDeP фракцияси аъзоси, қўмита раиси Абдурашид Жўрабоев таъкидлаганидек, мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият курилиши тизимида кенг фойдаланиш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётгани соҳани жадал ривож-

лантириш имконини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, унда давлат хоки-

мияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, улар томонидан интерактив хизматлар кўрсатиш орқали давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги устувор вазифалар белгилаб берилган.

2 >>>

Сарҳисоб

ПОЙТАХТ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ЎРНАК БЎЛОЛМАЯПТИ

2012 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ О'ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ТОМОНИДАН БИРОТА МАСАЛА ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ФАОЛИЯТИ ОЛИБ БОРИЛМАДИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз пойтахти Тошкент янада чирой очиб, мамлакатимизнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маърифий марказига айланди. Бугунги кунда республика яли ички маҳсулотининг 14 фоиздан ортиги, sanoat маҳсулотлари ҳамда ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 20 фоизи айнан Тошкент ҳиссасига тўғри келаяти ва унинг ниҳоятда улкан иқтисодий имкониятларга эга эканидан далолат беради. Кейинги уч йилда эса ялли худудий маҳсу-

лот ҳажми 1,4 баробар, sanoat маҳсулотлари ҳажми 1,4 баробардан зиёд, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 1,5 баробар ўсгани эса шаҳар иқтисодиёти барқарор ривожланишидан далолат бермоқда. Пойтахтда амалга оширилган ана шу каби улкан ишларни, барча соҳа ва тизимларда қўлга киритилган натижаларни қиёсан таҳлил этсак, ўз атрофига 25 мингга яқин О'zLiDeP аъзосини жамлаган Тошкент шаҳар кенгаши зиммасидаги масъулиятни теранроқ англагандек бўлаемиз. Ҳўш, партия аъзолари, айниқса, маҳаллий кенгашдаги депутатларимиз ана шу масъули-

ятни қай даражада ҳис этмоқдалар? Уларнинг пойтахт ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштироки талаб даражасидами? О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги йиғилишида асосан ана шундай масалалар муҳокама қилинди. Тўғри, ўтган йили О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши томонидан муайян натижаларга эришилди. Хусусан, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда, электротартибдорликни янада қўлай шарт-шароитлар яратишда партия аъзолари фаол иштирок этдилар.

3 >>>

БУГУНГИ СОНДА:

3 МАЙ — ЖАҲОН МАТБУОТИ ЭРКИНЛИГИ КУНИ

ЮРТИМИЗДАГИ МАВЖУД БАРЧА ТЕЛЕКАНАЛЛАРНИНГ 53 ФОИЗИ, РАДИОКАНАЛЛАРНИНГ 85 ФОИЗИ НОДАВЛАТ ТАРМОК ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ. УЛАРНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА КЕЧАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ЖАРАЁНИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҚАМЛАШ, ЭНГ ЗАМОНАВИЙ УСҚУНА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, КАДРЛАРНИНГ КАСБ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЮЗАСИДАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

2 >>>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 1 МАЙДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистика ва бошқа ҳисобовларни яритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмаги нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 Австралия доллари	▲ 1943,47	1 АҚШ доллари	▲ 1859,07	1 Ҳитой юани	▲ 294,66	1 Туркия лираси	▲ 1056,11	1 Япония иенаси	▲ 231,89
1 Англия фунт стерлинги	▲ 3027,50	1 Миср фунти	▲ 307,54	1 Малайзия рингити	▲ 613,15	1 Швейцария франки	▲ 2050,60	1 Россия рубли	▲ 63,31
1 Дания кронаси	▲ 331,18	1 Исландия кронаси	▲ 14,82	1 Польша злотийси	▲ 591,59	1 ЕВРО	▲ 2452,37	1 Украина гривнаси	▲ 232,68
1 БАА дирҳами	▲ 506,16	1 Канада доллари	▲ 1896,43	1 СДР	▲ 2880,46	1 Жапония Корей вон	▲ 16,43		

ҚўМИТА ВАЗИРЛАРНИ ЭШИТДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

— Қўми́та эшитуви́га тай-
ёргарлик кўриш жараёнида
«Электрон ҳужжат айланиши
тўғрисида» ва «Электрон ра-
қамли имзо тўғрисида»ги
қонуларнинг Маданият ва
спорт ишлари вазирлиги
ҳамда Давлат Статистика
қўмитаси тизимидаги икроси
назорат-таҳлил тартиби-
да ўрганиб чиқилди. — деди
O'zLiDeP фракцияси аъзоси
Нуриддин Муротов. — Назо-
рат-таҳлил фаолияти учун
мазкур вазирлик ҳамда дав-
лат қўмитасининг марказий
аппарати, Тошкент шаҳри,
Жиззах ва Хоразм вилоят
бўлимлари танла олинди.

Жумладан, ишчи гуруҳи
томонидан Давлат Статисти-
ка қўмитаси тизимига ахборот
технологияларини жорий
қилиш борасидаги иш-
лар кўлами ўрганилганда,
бугунги кунда статистика
органлари бошқаруви хо-
димларининг компьютер билан
таъминланганлик даражаси
100 фоизни ташкил этгани,
барча компьютерлар корпоратив
тармоққа уланб, республика
ва ҳудудий даражадаги 288 та
бошқарув ходими электрон рақамли
имзо калити билан таъминлангани
маълум бўлди.

— Интернетдаги сайти-
мизда тадбиркорлик субъект-
лари ва аҳолига интерактив
хизматлар кўрсатиш ҳам
йўлга қўйилган, — деди йил-
ўшга Давлат Статистика
қўмитаси раиси Б.Тўраев. —
Бу эса электрон рақамли
имзодан фойдаланган ҳолда
статистик ҳисоботларнинг
электрон кўринишда тақдим
этиш, ҳужалик юритувчи
субъектлардан давлат статисти-
стика ҳисоботларини қабул
қилиш имконини бермоқда.
Айни пайтда мазкур тизим
орқали 24 турдаги статисти-
стик ҳисоботлар қабул қили-
напти. Бу эса ҳисоботларни
тақдим этиш, қабул қилиш
ва қайта ишлаш жараёнининг
тезкорлиги ва самардорлигини
ошириш имконини бермоқда.

Шу ўринда Статистика
қўмитаси томонидан корхо-
на ва ташкилотларнинг «Ҳо-
на реестрини юритиш ва



**ҚўМИТА ЭШИТУВИДА МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДА КОРПОРАТИВ АХБОРОТ
ТАРМОҒИ ҲАЛИГАЧА ИШГА ТУШИРИЛМАГАНИ, ДАВЛАТ СТАТИСТИКА
ҚўМИТАСИДА ЭСА МАВЖУД 288 ТА ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО
КАЛИТИНИНГ 240 ТАСИДАН ФОЙДАЛАНИЛМАЭТГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ.
ЧУНКИ МУТАСАДДИЛАР ТОМОНИДАН УШБУ КАЛИТЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ МУДДАТИ ЎЗ ВАҚТИДА УЗАЙТИРИЛМАГАН.**

фирма номларини бериш-
тириш электрон тизими жорий
этилгани алоҳида таъкид-
лаш лозим. Бунда ҳужалик
юртвучи субъект номи таъ-
сисчи ёки рўйхатга олувчи
органнинг электрон аризаси
асосида Интернет тармоғи-
да захирга олинади. Маз-
кур лойиҳалар статистик маъ-
лумотларнинг сифати ва
ишончлилигини ошириш,
маълумот тарқатишининг са-
марали усуллари кенг
жорий этиш, статистиканинг
таъминлашда таҳлил қилиш
ва кенг жамоатчилик учун оч-
қойдинлигини таъминлашда
муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маданият ва спорт иш-
лари вазирлигининг барча
бўғинларида ҳам ахборот ти-
зими ва веб-сайтлар яратил-
ган. Уларнинг узлуқсиз
ҳамда хавфсиз ишлашига
алоҳида эътибор қаратил-
моқда. Натижада «Спорт ин-
шоотлари реестри», «Мил-
лий музей фондининг ягона
каталоги» каби долзарб ах-
борот ресурслари шаклланти-
рилган. Вазирликда спорт
тадбирлари календар-режа-
си мониторингини автомат-

лаштириш ҳамда мазкур тад-
бирлар ўтказилишини таҳ-
лил этиш мақсадида «SKM
SPORT TADBIR» дастури ама-
лиётга жорий этилган.
— Ушбу дастур республи-
камизда ва хорижда ўткази-
ладиган спорт тадбирлари-
нинг электрон тақвим режа-
си ва маълумотлар базаси-
ни ўзида жамлаб, уларнинг
натижалари ва сарфланган
маблағлар тўғрисидаги маъ-
лумотларни қайта ишлаш,
таққослаш, таҳлил қилиш
ва турли ҳисоботлар тайёрлаш
каби ишларни автоматик
тарзда амалга оширади, —
деди маданият ва спорт иш-
лари вазири Т.Кўзиев.

Тадбирда, шунингдек,
Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги ҳамда Давлат
Статистика қўмитаси фаоли-
ятида соҳага оид айрим
қонун талаблари ижросини
таъминлашда камчиликлар
ҳам мавжудлиги қайд этил-
ди. Жумладан, ҳар иккала
асосасаннинг марказий аппа-
ратидан ахборот-коммуника-
ция тизимидан фойдаланиш
яқши йўлга қўйилгани би-

лан жойларда бу жараён
жуда суст кечмоқда. Мадани-
ят ва спорт ишлари вазир-
лиги тизимида корпоратив
ахборот тармоғи ҳалигача
ишга туширилмаган. Давлат
статистика қўмитасида эса
мавжуд 288 та электрон ра-
қамли имзо калитининг 240
тасидан фойдаланилмаётган.
Сабаби — ушбу калитлардан
фойдаланиш муддати ўз вақ-
тида узайтирилмаган.

O'zLiDeP фракцияси
аъзоси З.Собировнинг фик-
рича, бундай нуқсонларни
бартаф этиш учун, энг ав-
вало, мутахассислар малака-
си ва компьютер саводхон-
лигини ошириш, айниқса,
ахборот-коммуникация техно-
логияларини жорий қилиш-
га маъсۇл бўлганларнинг би-
лим ва кўникмаларини яна-
да мустаҳкамлаш керак.

Йигилишда соҳага оид
қонунларни Маданият ва
спорт ишлари вазирлиги
ҳамда Давлат Статистика
қўмитаси тизимида ижро
этилиши юзасидан тегиш-
ли қарор қабул қилинди.

«2012 йил — Мустаҳкам оила йили»

O'ZLIDER LOYIHALARI A'ELLAR UCHUN Q'USHIMCHA IMKONIYAT YRATMOQDA

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Наргиза КАҲҲОРОВА,
«XXI ASR»

Зеро, хотин-қизлар-
нинг ижтимоий-сиёсий
фаоллигини ошириш
O'zLiDePнинг муҳим да-
стурий мақсадларидан би-
ридир.

— Буни вилоят кенга-
ши «Аёллар қаноти» са-
фиди бирлашган хотин-
қизлар, улар ташаббуси
ва бевосита иштироки
билан амалга оширилаёт-
ган хайрли ишлар мисо-
лида ҳам кўриш мумкин,
— дейди М. Урчинова. —
2012 йилнинг «Мустаҳкам
оила йили» деб эълон
қилиниши муносабати
билан «Аёллар қаноти»
ҳамда унинг ҳудудий
бўлимлари оилалар
мустаҳкамлиги ва фаро-
вонлигини оширишга
қаратилган қатор тадбир-
ларни босқичма-босқич
амалга ошира бошлади-
лар. Бугун вилоятдаги
6700 дан зиёд партия
аъзоларининг 3042 нафари
аёллар бўлиб, сафдош
дўстларимизнинг 758
нафари тадбиркор, 113
нафари фермер. Улар-
нинг 97 нафари эса ўзла-
ри фаолият кўрсатаётган
ташкilotда бошланғич
партия ташкilotларига
етакчилик қилмоқда. Жо-
рий йилнинг ўтган даври-
да ҳамкор ташкilotлар
иштирокида хотин-қиз-
ларни фойдали меҳнат
жалб қилиш, уларни
оилавий бизнесга йўнал-
тириш билан боғлиқ ма-
салаларга жиддий эъти-
бор қаратиб, уларнинг
ижтимоий фаоллигини
оширишга ҳаракат қил-
ди. Шу ўринда, партия
электорати тадбиркор ва
фермер аёллар томони-
дан 92 та янги иш ўрни
яратилганини таъкидлаш
лозим.

Маълумки, янги иш
ўринлари яратиш учун
муайян бир корхона фа-
олияти йўлга қўйилиши
лозим. Масалага шу нуқ-
та назардан ёндашсак,
навоийлик сафдошлари-
миз ҳам бандлик масала-
сини хусусий тадбиркор-
ликни ривожлантириш
орқали ҳал қилаётганла-
рини кўрашимиз. Айни кун-
да асосий эътибор чекка
қишлоқлардаги иқтидор-
ли хотин-қизларни кичик
бизнесга ва тадбиркорлик
соҳасига йўналтиришга
қаратилмоқда. Зеро, ви-
лоятда 13 мингдан ортиқ
кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик субъектла-
ри фаолият юритмоқда.
Йил бошидан кичик кор-
хона ва микрофирмалар-
ни ривожлантириш ҳисо-
бига 2080 та қўшимча иш
ўрни ташкил этилган
бўлса, уларнинг 606 таси-
да хотин-қизлар фаолият
кўрсатмоқдалар. Янги иш
ўринларининг 1498 таси
оилавий бизнесни ри-
вожлантириш орқали
яратилганлиги ҳам эъти-
борга лойиқ.

— «Мустаҳкам оила
йили» Давлат дастури
асосида ишлаб чиқилган
вилоят ҳудудий дастури-
да хотин-қизларни оила-
вий тадбиркорликка жалб

этиш, ёш оилаларни қўллаб-
қувватлаш масаласига ало-
ҳида эътибор қаратилган,
— дейди вилоят хотин-қизлар
қўмитаси раиси Анара Бо-
бомуродова. — Ана шу ҳуж-
жатга мувофиқ, вилоятимиз-
да ташкил этилаётган 40 849
та иш ўрнининг 16 минг 27
таси опа-сингилларимизга
мўлжалланган. Бу жараёнда

Эврика» ўқув марказини
ташкिल этган эдик. Дастав-
вал, компьютер саводхонли-
ги, тикувчилик, сартарошлик
ва қандалчилик курслари
ташкил этилган бўлса, ҳозир-
ги кунда марказдаги йўна-
лишлар 17 тага етди. Ёшлар-
нинг илмли ва ҳунарли
бўлишларига ҳисса қўшаёт-
ганимиздан мамнунмиз.

**ЙИЛ БОШИДАН КИЧИК КОРХОНА
ВА МИКРОФИРМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ҲИСОБИГА 2080 ТА ҚўШИМЧА ИШ ўРНИ
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН бўлса, УЛАРНИНГ 606
ТАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИЯТ
КўРСАТМОҚДАЛАР. ЯНГИ ИШ ўРНИЛАРИНИНГ
1498 ТАСИ ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ЯРАТИЛГАНЛИГИ
ҲАМ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ.
ТАШКИЛ ЭТИЛАЭТГАН 40 849 ТА ИШ
ўРНИНИНГ 16 МИНГ 27 ТАСИ ҲАМ ОПА-
СИНГИЛЛАРИМИЗГА МўЛЖАЛЛАНГАН.**

тадбиркор хотин-қизлари-
нинг янги-янги ташаб-
буслар билан чиқаётгани,
айниқса, қувонarliдир.
Уларнинг 323 нафарига ти-
жорат банклари томонидан
4912,2 млн. сўм миқдоридан
кредит маблағлари ажра-
тилди. Ўз навбатида, тад-
биркор опа-сингилларимиз
ҳам ушбу кредит маблағла-
ридан мақсадли фойдала-
ниб, ижтимоий-иқтисодий
хаётимиздан муносиб ўрин
эгалламоқдалар.

— «Кичик бизнес ва ху-
сусий тадбиркорлик йили»да
«Саноатқурилишбанк» вило-
ят филиалидан уч йил му-
датга олинган 200 млн.
сўмлик кредит эвазига 1 гек-
тар ерда иссиқхона ташкил
этиб, 5 та доимий ва 10 та
мавсумий иш ўрни яратдим,
— дейди «Навоий Қизилқум
барака» МЧЖ раҳбари Гу-
ландон Жумаева. — Апрель
ойида иссиқхонадамизда
етиштирилган даставизда
ҳосил бозорга чиқарилди.
Қолаверса, шахримизнинг
«Гулистон» мавзесида икки
қаватли савдо марказини
куриб битказди. Яқин кун-
лар ичида марказ ўз фаоли-
ятини бошлайди. Ана шун-
да яна 4-5 нафар йигит-
қизни иш билан таъминлаш
имкониятига эга бўламиз.

Партиянинг фаол аъзола-
ридан бири, Конимех тумани-
даги «Ширмойнон» хусусий
фирмаси раҳбари Дилноза
Сафарова ҳам оила аъзола-
рини ҳамда маҳалладаги бир
гуруҳ хотин-қизларни дои-
мий иш билан таъминлади.
Унинг саъй-ҳаракати билан
аҳоли эҳтиёжи учун кунига
600-700 тагача қолипчи нон
ишлаб чиқарилмоқда. Ёш
қизларни оилавий ҳаётга тай-
ёрлаш, уларда тадбиркорлик
қўникмаларини шаклланти-
риш, шахсий бизнесини
йўлга қўйишларига қўмакла-
шиш ҳам партия аъзолари-
нинг диққат марказидир.
Масалан, тадбиркор Майрам
Аъзамова ўз хонадонига ти-
кувчилик, қандалчилик тў-
рақларини ташкил этди. Жо-
рий йилнинг биринчи чора-
да ёш оила бекалари ва
кам таъминланган оилалар-
даги 60 нафар қизни бепул
ўқитиб, ҳунарли бўлишлари-
га ёрдам берди.

— Айни кунларда вило-
ятимизда тадбиркор аёллар
учун катта имкониятлар яра-
тилган, — дейди партия фа-
оли Сурайё Норбўтаева. —
Бу, шубҳасиз, ўз самараси-
га йўналтиришда муҳим
аҳамият касб этади.

Шуни айтиш керакки, ви-
лоятда соғлом маънавий му-
ҳитни шакллантириш, мил-
лий қадриятларимизни
эъзозлаш, аёллар тадбир-
корлигини ривожлантириш
учун барча имкониятлар яра-
тиб берилган. O'zLiDePнинг
Сайловолди платформасида
ҳам юқоридаги масалаларга
алоҳида эътибор қаратилга-
ни бежиз эмас. Ушбу саъй-
ҳаракатларнинг натижаси
ўларок, эндиликда аёллар
кичик бизнес ва хусусий тад-
биркорлик соҳасида дадил,
эмин-эркин ҳаракат қилмоқ-
далар. Тижорат банклари
томонидан ажратилаётган
кредит маблағлари эса улар
фаолиятининг янада кенгай-
ишига хизмат қилаяпти.

Кези келганда, «Аёллар
қаноти»нинг Савдо-саноат
палатаси билан ҳамкорлик-
даги «Тадбиркорлик тамой-
иллари ва ишбилармонлик
имкониятлари» лойиҳаси
навоийлик хотин-қизларни
янги марралар сари руҳлан-
тираётганини таъкидлаб
ўтиш лозим. Зеро, ушбу
лойиҳа орқали вилоят босқ-
ичида 55 нафар, туманлар
кесимида эса 380 нафар хо-
тин-қизларнинг тадбиркор-
лик йўналишига оид ҳуқуқий
билимларини оширишга
эришилди.

— Тикши-бичиш сирлари-
ни пухта эгаллаган бўлсам-да,
тадбиркор сифатида иш бош-
лашга иккиланардим. Сабаби,
бизнес-режа тузиш, бошлан-
ғич сармоа учун кредит олиш,
зарур ҳужжатларни тўплаш
мен учун жуда мушкул туюлар-
ди, — дейди ўтган йили лой-
иҳанинг вилоят босқичида
ғолибликни қўлга киритган
Шоҳиста Қувондиқова. —
O'zLiDeP вилоят кенгаши то-
монидан ўтказилган ўқув-се-
минарларда иштирок этиб, кўп
нарсани ўргандим. Мутахас-
сислар тавсияси асосида иш-
ланган лойиҳам кўпчиликка
маъқул бўлди. Натижада «Мик-
рокредитбанк» вилоят фили-
алининг 2,5 млн. сўм миқдори-
даги имтиёзли кредитини
қўлга киритдим. Ҳозирда ўз
шахсий бизнесимга эгаман.
Ўйлайманки, «Аёллар қаноти»
томонидан жорий йилда амал-
га оширилаётган «Оилавий
тадбиркорликдан — Мустаҳкам
оила», «Соғлом оила — му-
стаҳкам оила» «Тадбиркорлик
тамойиллари ва ишбилар-
монлик имкониятлари» синга-
ри қатор лойиҳалари вилоят-
тимиздаги қўллаб-қувватлаш
лояҳалари тадбиркорлик соҳа-
сига йўналтиришда муҳим
аҳамият касб этади.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини

МЕДИА СОҲА РАВНАҚИ ЙўЛИДА

**ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ
ТОМОНИДАН «ИНСТИТУТЛАРО АЛОҚАЛАР ОРҚАЛИ ЁШЛАР ЖУРНАЛИСТИКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ АСОСЛАРИ» МАВЗУИДА МЕДИА-ФОРУМ ЎТКАЗИЛДИ**

3 май — Жаҳон матбуоти
эркинлиги кунини муносабати
билан Ўзбекистон мадания-
ти ва санъати форуми» жа-
мғармаси, «Келажак овози»
ёшлар ташаббуслари маркази
ёшлар ташаббуслари маркази,
Ўзбекистон Журналистлари
иждоий уюшмаси, Мустақил
босма оммавий ахборот
воситалари ва ахборот аген-
тиликларини қўллаб-қувват-
лаш ва ривожлантириш жа-
моат фонди, юртимиздаги
бир қатор халқаро ташкilot-
ларнинг ваколатхоналари
билан ҳамкорликда ташкил
этилган мазкур медиа-фо-
румда депутатлар, медиа
соҳа раҳбарлари, жамоат
ташкilotлари, Қорақалпоғи-
стон Республикаси, вилоят-
лар ва пойтахтимизда фаоли-
ят кўрсатаётган нодавлат те-
лерадияканаллар ходимлари,
ёш журналистлар иштирок
этиди.

Ўзбекистон Электрон ом-
мавий ахборот воситаларини
қўллаб-қувватлаш миллий ас-
социацияси бошқаруви раи-
си Ф.Абдуҳаликов, Мустақил
босма оммавий ахборот воси-
талари ва ахборот агентликлари

қўллаб-қувватлаш ва ри-
вожлантириш жамоат фонди
директори А.Абдуллаев, «Ке-
лажак овози» ёшлар ташаббус-
лари маркази бошқаруви раи-
си К.Бекназаров ва бошқалар
мамлакатимизда миллий ме-
диа тизимини жадал ислоҳ
этиш борасида олиб борила-
ётган кенг қўламли саъй-ҳа-
ратларда барча турдаги омма-
вий ахборот воситаларини ри-
вожлантириш, уларнинг эркин
ва самарали фаолият кўрсати-
лиши учун зарур шароит ва им-
кониятларни яратишга алоҳи-
да эътибор қаратилаётганини
таъкидлади. Президентимиз
Ислам Каримов томонидан ил-
гари сурилган Мамлакатимиз-
да демократик ислохотларни
янада чуқурлаштириш ва фука-
ролик жамиятини ривожланти-
риш концепциясида белгилан-
ган вазифаларнинг изчил амал-
га оширилаётгани оммавий
ахборот воситаларининг фука-
ролик жамияти институтлари
тизимидagi ўрни ва ролини
янада мустаҳкамлашга хизмат
қилаётди.

Бугун мамлакатимизда но-
давлат медиа тузилмалар из-

чил равнақ топмоқда. Ҳозир-
ги кунда юртимиздаги мав-
жуд барча телеканалларнинг
53 фоизи, радиоканаллар-
нинг 85 фоизи нодавлат тар-
моқ ҳиссасига тўғри келади.
Уларнинг жамиятимизда кеча-
ётган ислохотлар жараёнида
фаоллигини янада оши-
риш, моддий-техник базаси-
ни мустаҳкамлаш, энг замона-
вий ускуна ва технология-
лар билан таъминлаш, кадр-
ларнинг касб салоҳиятини
юксалтириш юзасидан кенг
камровли ишлар амалга оши-
рилмоқда.

Ўзбекистон Электрон ом-
мавий ахборот воситалари
миллий ассоциацияси фа-
олиятида иждоқор-журнали-
стларни ҳар жиҳатдан қўллаб-
қувватлаш, уларнинг
ўз фаолиятига янгича ёнда-
шувини шакллантириш, юр-
тимиздаги ижтимоий-иқти-
содий, маънавий-маърифий
соҳалардаги туб ижобий
ўзгаришларнинг мазмун-
моҳиятини кенг жамоатчи-
ликка холис ва ҳаққоний ет-
казиш муҳим ўрин эгаллай-
ди. «Озод юрт тўлқинлари»

ижодий беллашуви, Ижти-
моий телерадиороликлар
миллий фестивали, ёш те-
лерадияжурналистлар, тех-
ник мутахассислар учун ме-
диа-мактаб машғулотлари,
малака ошириш семинарла-
ри шулар жумласидандир.

Медиа-форум доирасида
«Журналистлар баҳори»
ижодий кўрик-танлови
ғолиблари аниқланди. Ушбу
танловдан қўзланган асосий
мақсад халқимиз маънавия-
тини юксалтириш, миллий
анъана ва қадриятларимиз-
ни асраб-авайлаш, барка-
мол авлодни воёга етказиш,
оилаларга ғамхўрлик ва
эътибор кўрсатиш бораси-
даги кенг қўламли эзгу иш-
ларнинг моҳиятини оммага
кенгроқ етказиш, бу йўна-
лишда самарали фаолият
кўрсатаётган телеижодкор-
ларни қўллаб-қувватлаш ва
рағбатлантиришдан иборат-
дир.

Тадбирда иждоий танлов
ғолиб ва совриндорларига
диплом ҳамда қимматбаҳо
совғалар топширилди. (ЎзА)

ПОЙТАХТ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ЎРНАК БЎЛОЛМАЯПТИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

— Мамлакатимизда Давлат дастурлари, йирик лойиҳалар ҳамда Юртбошимиз фармонларининг изчил ижро этилаётгани натижада кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54 фоизни ташкил этди, — деди йиғилишда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси М.Тешабоев. — Мазкур жараёнда партиямизнинг барча даражадаги тузилмаларининг фаол иштирокини таъминлашга ҳаракат қилдик. Биргина Тошкент шаҳар кенгаши томонидан «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 719 та тadbир ўтказилиб, уларда 63 мингдан зиёд фаоллар, электорат ва аҳолининг кенг қатлами иштироки таъминланди. Учрашуларда 15332 нафар сайловчи иштирок этиб, депутатларга келиб тушган 488 та мурожаатнинг 346 таси ижобий ҳал этилди.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этган йиғилишда партия Тошкент шаҳар кенгашининг ўтган йилдаги фаолияти яқинлари ҳамда 2012 йилдаги устувор вазифалари муҳофазатига алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этилганидек, бугун Тошкент кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг ҳам йирик марказига айланди. Бу соҳани ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2010 йилда 49,9 фоиздан 2011 йилда 53,1 фоизга етган алоҳида диққатга сазовор. Энг муҳими, айтиш шунки ривожланиш ҳисобидан қарийб 60 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу эса жами янги иш ўринларининг 72,8 фоизини ташкил этади.

О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси Э.Тошевнинг таъкидлашича, пойтахт ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда 25 мингга яқин партия аъзосини ўз атрофига жамлаган 938 та бошланғич ташкилот ҳам самарали фаолият юритмоқда. Ҳисобот даврида асосий эътибор тadbиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш, уларда тadbиркорлик кўникмаларини шакллантириш масалаларига қаратилди.

Ушбу йўналишда ўтказилган 96 та тadbирда 12 мингдан ортиқ электорат вакиллари қатнашиб, тadbиркорларнинг 90 га яқин мурожаатлари қўриб чиқил-

ди, 123 нафардан зиёд тadbиркорга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Ижро ва бошқарув ҳокимияти идораларининг шаҳар, туман даражасидаги раҳбарлари иштирокида партия электорати манфаатларига ало-

**ЖОЙЛАРДА
ТАШКИЛ
ЭТИЛАЁТГАН
АЙРИМ
ТАДБИРЛАР
ФАҚАТ
СОН УЧУН,
ҲИСОБОТЛАР
УЧУНГИНА
ЎТКАЗИЛАЁТГАНДЕК
ТААССУРОТ
УЙФОТМОҚДА.
БУНДА ИЛГАРИ
СУРИЛАЁТГАН ҲАР
ҚАНДАЙ ТАШАББУС
АМАЛИЙ САМАРА
БЕРГАНДАГИНА,
УНДАН НАТИЖА
КУТИШ
МУМКИНЛИГИНИ
ЁДДАН
ЧИҚАРМАСЛИК
КЕРАК.**

қадор масалалар юзасидан 32 та депутатлик эшитувлари ташкил этилди, 4 та масала сессия кун тартибига киририлди.

Аммо йиғилишда ана шундай натижаларга қарамай, кенгаш томонидан давлат дастурлари ва партиявий кўрсатмаларни бажаришда бир қатор камчиликларга йўл қўйилгани таъкидланди.

Хусусан, 2011 йилнинг иккинчи ярмида депутатлик гуруҳи томонидан ижро ҳокимияти мансабдор шахсларининг шахарни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари юзасидан ҳисоботларини эшитиш, сессияга масалалар олиб чиқиш, депутатлик сўровлари самарадорлигини ошириш бўйича бир оз жонланш кузатиш бўлса-да, кенгашда, деб бўлмайди.

Масалан, ўтган йилда депутатлик гуруҳи томонидан бирорта масалада депутатлик назорат-таҳлил фаолияти олиб борилмаган. Туман ҳокимлари, идора



ва ташкилотлар раҳбарларининг эшитувларини ўтказиш бўйича берилган таклифларнинг айримларига инобатга олинган, холос. Пойтахт иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик кўламини янада ошириш, молиявий-иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган корхоналарни соғломлаштириш билан боғлиқ ишларга кўмаклашиш учун етарли имкониятлар бўлса-да, кенгаш ва депутатлик гуруҳи бу масалаларда партиявий ҳаракат дастурларини ишлаб чиқишни пайсалга солимоқда. Кенгашда депутатлик гуруҳлари билан иш олиб борувчи малакали мутахассисларнинг йўқлиги ҳам депутатлик гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишига салбий

таъсир ўтказаётир.

Шаҳар ва туман кенгашлари тadbирларининг мазмун-мундарижасини ҳам қайта қўриб чиқиш зарур. Негаки жойларда ўтказилган айрим тadbирлар фақат сон учун, ҳисоботлар учунгина ўтказилаётгандек таассурот уйғотмоқда. Бунда илгари сурилаган ҳар қандай ташаббус амалий самара бергандагина, ундан натижа кутиш мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак. Шу ўринда ўтказилган таҳлиллар айрим ҳудудларда БПТлар сони бор-у, уларнинг амалий фаолияти сезилмаётганини ҳам кўрсатмоқда. Шу маънода ҳам Юнусобод ва Олмазор туманларидаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини қониқарли, деб бўлмайди.

Йиғилишда ана шундай нуқсонларни бартараф этмасдан туриб, қутилган натижага эришиб бўлмаслиги таъкидланди. Бунда О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгашининг барча даражадаги тузилмалари фаолиятини янада самарали ташкил этишга қаратилган кенг қўламли чора-тadbирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда уларни изчил амалга ошириш лозим. Тadbирда кенгашнинг келгусидаги вазифалари белгиланиб, депутатлик гуруҳи ва бошланғич ташкилотлар ишини Сиёсий Кенгашнинг IV мажлисида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида қайта қўриб чиқиш, қабул қилинган қарор ижросини жиддий назоратга олиш кераклиги ўқтирилди.

Хусусий секторда



туманидан олиб келинаётган мрамар қуқунаги полистирол моддаси қорихмасини аралаштириш орқали ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу технология жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида муваффақиятли синовдан ўтган бўлиб, мазкур усулда тайёрланган маҳсулотлар чўндан ишлаб чиқарилган турдош жиҳозларга нисбатан анча энгил ва мустаҳкамдир. Шунингдек, бу ерда ишлаб чиқарилаётган жиҳозларнинг ташқи кўриниши бежирим, нархи бир неча маротаба арзондир.

Янги турдаги маҳсулотлар вилоят ва мамлакат миқёсида ўтказилаётган турли кўргазмаларда кенг намойиш этилмоқда. Шу йилнинг март ойида бўлиб ўтган «Ташаббус — 2012» кўриктанловининг вилоят босқичи доирасида ҳам ушбу маҳсулотлар тақдими ташкил этилди.

Кўргазмага қўйилган полимер мрамарли, бурчакли ванналар, ювини хоналари учун мўлжалланган жиҳозларнинг кўриниши, сифати, нархи истеъмолчилар эътиборини тортиди.

Янги турдаги маҳсулотлар

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик, қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган замонавий уй-жойлар кўпаймоқда. Натижада қурилиш материаллари, жумладан, сантехника жиҳозларига бўлган талаб ошмоқда.

Қарши туманидаги «Santexyig'majihosi» масъулияти чекланган жамияти жамоаси маҳаллий хомашдан полимер мрамарли ванна, ҳаммом ва ошхона учун зарур бошқа жиҳозлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу вилоятда мазкур маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни қоплаш имконини беради.

Полимер мрамарли сантехника жиҳозлари Китоё туманидан олиб келинаётган мрамар қуқунаги полистирол моддаси қорихмасини аралаштириш орқали ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу технология жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида муваффақиятли синовдан ўтган бўлиб, мазкур усулда тайёрланган маҳсулотлар чўндан ишлаб чиқарилган турдош жиҳозларга нисбатан анча энгил ва мустаҳкамдир. Шунингдек, бу ерда ишлаб чиқарилаётган жиҳозларнинг ташқи кўриниши бежирим, нархи бир неча маротаба арзондир.

Янги турдаги маҳсулотлар вилоят ва мамлакат миқёсида ўтказилаётган турли кўргазмаларда кенг намойиш этилмоқда. Шу йилнинг март ойида бўлиб ўтган «Ташаббус — 2012» кўриктанловининг вилоят босқичи доирасида ҳам ушбу маҳсулотлар тақдими ташкил этилди.

Кўргазмага қўйилган полимер мрамарли, бурчакли ванналар, ювини хоналари учун мўлжалланган жиҳозларнинг кўриниши, сифати, нархи истеъмолчилар эътиборини тортиди.

Концепция гоялари — амалда

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

**Сохибжон
ИСМОИЛОВ,**
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, Саноат,
қурилиш ва савдо
масалалари кўмитаси
аъзоси:

Таъкидлаш жоизки, Юртбошимизнинг мазкур ташаббусини ўртан бир йилдан ортиқ вақт давомида масъул идоралар томонидан алоҳида қонун ҳужжатида акс эттириш борасида изчил изланишлар олиб борилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган қонуннинг дастлабки лойиҳасини янада мукаммаллаштириш учун Қонунчилик палатасида фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар фракциялари фаол иш олиб бордилар. Қонуннинг ишлаб чиқишига масъул этиб белгиланган Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасига лойиҳани тақдимлаштириш юзасидан сиёсий партия фракциялари, депутатлар томонидан икки юздан ортиқ таклифлар келиб тушгани ҳам фикримизга мисол бўлиши мумкин.

Фракциялар томонидан ушбу қонун лойиҳасига бу қадар қизиқиш билдирилгани ҳам бежиз эмас. Чунки Президентимиз томонидан илгари сурилган бу гоё оилавий тadbиркорликнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, ушбу фаолият турига кенг имконият яратишга қаратилгани ва қонун барча сиёсий қўлларнинг мақсад-муқдосларига ҳамоҳанглиги билан ҳам ниҳоятда аҳамиятли эди.

Хусусан, О'zLiDeP фракциясининг ушбу масаладаги ёндашуви қонун лойиҳасининг мамлакатимизда тadbиркорликнинг янги бир шаклини яратиш, шу орқали аҳоли кенг қатламини тadbиркорликка жалб қилиш учун қўшимча имконият яратишга қаратилганидан келиб чиқди. Бу борада фракциямиз аъзоларининг қўллаб амалий таклифлари янги қонунда ўз аксини толаганини таъкидлаш жоиз.

Ўз навбатида, ЎзХДП фракцияси аъзолари киритган таклифлардан ушбу партия вакиллари оилавий тadbиркорликка қўшимча иш ўринлари яратиш, ижтимоий муҳофазани кучайтириш имконияти сифатида қараганлигини қўриш мумкин. «Миллий тикланиш» ДП вакиллари эса қонун лойиҳасида, аввало, уй шароитида миллий хунармандчилик турлари билан фаол шуғулланувчи аҳоли вакиллари сафини янада кенгайтириш имконини берувчи нормаларни киритиш такли-

фини илгари суришди. Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида ўтказилган 30 дан зиёд йиғилишларда қуйи палатадаги фракциялар ана шу каби ўз нуқтани назарларига устуворлик бериб, амалий таклифларини ўртага ташлади. Натижада ушбу таклифлар жамланиб, аҳолининг барча қатламлари

тилмайди. Бу амалда бир неча минг йиллик анъаналар асосида фаолият юритиб келаётган уста ва хунармандларнинг янада эркин фаолият юритишларига имкон беради.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати унда оилавий қорхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тартибининг ниҳо-

**ФРАКЦИЯЛАР ТОМОНИДАН
УШБУ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА БУ ҚАДАР
ҚИЗИҚИШ БИЛДИРИЛГАНИ ҲАМ БЕЖИЗ
ЭМАС. ЧУНКИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ
ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН БУ ГОЯ
ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, УШБУ
ФАОЛИЯТ ТУРИГА КЕНГ ИМКОНИЯТ
ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАНИ ВА ҚОНУН
БАРЧА СИЁСИЙ КУЧЛАРНИНГ
МАҚСАД-МУҚДОСЛАРИГА
ҲАМОҲАНГЛИГИ БИЛАН
ҲАМ НИҲОЯТДА АҲАМИЯТЛИ ЭДИ.**

манфаатларига хизмат қилувчи мукаммал қонун яратилди. Маълумки, қонунда оилавий қорхона фақат юридик шахслар томонидан ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Ана шу хусусияти билан бундай қорхоналар кичик тadbиркорлик субъектлари сирасига киритилди. Бу эса қонунчиликка мувофиқ уларга кичик қорхона ва микрофирмаларга берилган имтиёزلардан тўла фойдаланиш ҳуқуқини беради, дегандир.

Унда қорхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолият тури, иштирокчилар сони, солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш тартиблари ўз аксини топган.

Қонунга асосан, оилавий қорхона оила аъзолари томонидан шахсий меҳнат иштироки мажбурияти ҳамда тadbиркорлик муомаласига жалб этилган улғунлиқ мол-мулк ёки мулкнинг улус рўйхати қўрилган ҳолда шартлаб таъсис шартномаси асосида ташкил этилади. Бунда иштирокчилар хоҳишига қўра, таъсис шартномасида оилавий қорхона фойдасини тақсимлаш шартлари белгиланиши мумкин. Ҳужжатда оилавий қорхона ташкил этиш учун бизнес субъекти иштирокчилари қорхона уст-тав фондини мустақил белгилаши, лекин бу миқдор энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан паст бўлмаслиги назарда тутилган. Бу эса оилавий қорхонанинг бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ишлаши ва рақобат муҳитига бардош бера олишига ёрдам беради.

Бундан ташқари, қонунда оилавий қорхонадан солиқ ва бошқа тўловлар ундириш тартиби ҳам қатъий белгиланган. Унга қўра, оилавий қорхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона солиқ тўловчиси ҳисобланади. Эътиборли томони шундаки, қонунда халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқарувчи оилавий қорхоналар ягона тўловчини тўлашдан озод қилинган. Бундан ташқари, қорхона фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ва солиққа тор-

ятда соддалаштирилгани ва мустаҳкамланганидир. Рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчига оилавий қорхона сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни «уни ташкил этиш мақсадида мувофиқ эмас» деган ваз билан рад этиш ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас. Айтиш лозимки, оилавий бизнес вакиллари ишлаб чиқараётган буюм ёки маҳсулотларга мустақил нарх белгилаши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

Қонунда, шунингдек, янги тadbиркорлик шаклининг ривожланиши учун бир қатор қўшимча имтиёزلар белгиланганини айтиш лозим. Хусусан, унга қўра, оилавий қорхона оила яшаб турган турар-жойда фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини шу ернинг ўзида сотиши мумкин. Оилавий қорхоналар томонидан ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланиладиган турар-жойларни нотузар-жойларга ўтказиш ҳам талаб қилинмайди. Бундан ташқари, қонунда оилавий қорхона турар-жойдан бир вақтнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқарса (ишлаб бажариш, хизматлар қўрсатиш) коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тартиблар бўйича ва шартлар асосидагина амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, оилавий тadbиркорлик субъектлари ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам ва оила олдига барча аъзоларнинг масъулиги тамойилига асосланади. Мазкур қонуннинг кучга кириши эса кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг янги шакли сифатида оилавий тadbиркорликнинг янада ривожланиши ҳамда унинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини кенгайтиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

«XXI ASR»
2012 йил 3 май,
пайшанба,
18 (4421)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru

ФЕРМЕРЛИК БУ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ДЕМАК

Давоми. Бошланғичи 1-сahифада

Айни кунда биз асосий эътиборни импорт ўрнини босадиган ва экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, бу борадаги лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтиришга қаратаймиз. Хуллас, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, мулкдорлар сафини янада кенгайтириш учун нафақат ички, балки ташқи омиллاردан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Маълумки, бултур 3800 та фермер ҳўжалиги шартнома мажбуриятларини бажара олмаганлиги таъкидланди. Жорий йилда юқоридаги ҳолат такрорланмаслиги учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бу айни кунда зимма-зимдаги асосий масалалардан биридир. Чиндан ҳам ўтган йили айрим деҳқон ва фермер ҳўжаликларида пахта тайёрлаш бўйича контрактация шартномалари бажарилмади. Биз бундан тегишли хулоса чиқариб, қатъий чоралар кўраямиз. Бунда ердан омилкорлик билан фойдаланиш, биринчи навбатда, илмий ёндашувларга бирламчи эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, кўзланган ҳосилни олиш учун, энг аввало, ернинг табиий хусусиятлари, tupрок таркиби ва механик хоссаларини чуқур ўрганиш, экин парвариши билан боғлиқ иқтисодий сарф-харажатларни пухта режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги талабларга қатъий амал қилиб, пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинларидан юқори ҳосил етиштириётган ўрта қатлам вакилларининг тажрибаси барчамиз учун ибрат бўлиши лозим. Соҳада ислохотлар тибора чуқурлаштирилётган экан, шакшубҳасиз, бунинг замирида давлатимизнинг келажак манфаатларига қаратилган юксак гаҳўрлиги йтибди. Маълумки, кейинги йилларда иқтисодий ноҳор, истиқболсиз фермер ҳўжаликлари тугатилиб, уларга тегишли ер майдонлари зарур касбий билим ҳамда техник воситаларга эга мулкдорларга бириктириб берилди. Эндликда улар билдирилган ишончини оқлашга, ўз имкониятларини тўлароқ намоян этишга интилоқдалар.

Яъни, улар юқори иқтисодий самарадорлик учун давлат ва жамият олдида бурчли эканликларини асло унутмасликлари даркор. Боғ-роғларни кенгайтириш учун Шердер номидаги богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-техшириш институти билан яқин ҳамкорлик қилинмоқда. Натижада 2011 йилнинг ўзида республикамиз ҳудудида 14,6 минг гектарли янги бог-роғлар, 5,3 минг гектардан иборат тоқзорлар барпо этилди ва бу ишлар давом этмоқда.

Чорвачилик соҳасида наслчилик ишларини тубдан яхшилаш, зооветеринария хизмати самарадорлигини ошириш учун ҳам барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Кейинги йилларда хориждан юқори маҳсулдор қорамоллар олиб келиш кўпайётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Хозирда улар 23286 бошга етказилди. Наслчилик ҳўжаликлари эса 360 тадан 414 тага кўпайтирилди. Бу борадаги изланишлар давом эттирилмоқда.

Файзулла Пардаевич, юқорида қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун деҳқон ва фермерлар етарли малака, чуқур касбий билимга эга бўлишлари лозимлигини таъкидладингиз. Бунга эришиш учун уюшма томонидан қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Кейинги йиллар республикамиз тарихида туб ўзгаришлар ва янгиланишлар даври бўлди, десам асло хато бўлмайди. Халқаро тахлилчилар ҳам буни эътироф этмоқдалар. Макроиқтисодий соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мавқеи тобора мустаҳкамланаяпти. Эътибор беринг: 1991 йили мамлакат ялли ички маҳсулот

ҳажмида хусусий секторнинг улуши атиги бир фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб 54 фоизга кўтарилди. Бу, шубҳасиз, Юртбошимиз раҳнамолигида олиб бо-


2011 ЙИЛИ
РЕСПУБЛИКАМИЗДА 14,6 МИНГ ГЕКТАРЛИ ЯНГИ БОҒ-РОҒЛАР, 5,3 МИНГ ГЕКТАРДАН ИБОРАТ ТОҚЗОРЛАР БАРПО ЭТИЛДИ.
ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ, ЗООВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН ҲАМ БАРЧА ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА.
ҲОЗИРДА ХОРИЖДАН КЕЛТИРИЛГАН НАСЛЛИ МОЛЛАР Сони 23286 БОШГА ЕТКАЗИЛДИ.
НАСЛЧИЛИК ҲўЖАЛИКЛАРИ ЭСА 360 ТАДАН 414 ТАГА КўПАЙДИ.

рилайтган иқтисодий ислохотларнинг амалдаги самарасидир.

Бу борада уюшма олдидаги вазифаларга келсак, улар биздан юксак масъулият ҳамда ижтимоий фаолликни талаб этади. Зеро, ҳар биримиз шу юртининг, шу азиз Ватаннинг фарзанди сифатида келажак тақдирини ўзинимизнинг қўлига олишимиз лозим. Кўзланган мақсадларга эришиш учун бир қатор халқаро ташкилотлар, шунингдек, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, илмий-тадқиқот муассасалари, мутахассис олимлар билан ҳамкорликда иш олиб бо- раймиз. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республика ҳудудида долзарб мавзуларга оид 50 дан ортиқ семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Уларда 7800 нафар фермер ҳўжаликлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Шунингдек, январь-март ойларида уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоят филиаллари томонидан «Бухгалтерия хисобини юритиш, юридик ва консалтинг хизматлар кўрсатиш тизимини тақомиллаштириш», «Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уни асраб-авайлаш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш» мавзуларида давра суҳбати ҳамда семинарлар ташкил қилинди. Ушбу тадбирларда 2000 дан ортиқ фермерлар иштирок этдилар. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, деҳқончилик маданиятини оширишда янги, замонавий технологияларнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, уюшма аъзоларининг чет элларга сафарлари уюштирилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда фаолият юритаётган 30 нафар қишлоқ мулкдорлари Германия, Туркия, Малайзияда бўлиб, ўз тажриба ва малакаларини ошириб кайтидилар.

Жойларда бўлганимиз



мизда маҳсулотини сотиб, ҳақини ололмаётган айрим фермерлар ҳақида эшитиб қоламиз. Уюшма томонидан уларга қандай ёрдам кўрсатилаяпти?

— Ҳақиқатан ҳам, айрим ҳудудларимизда юқоридагидек ҳолатлар учраб турибди. Нима бўлганда ҳам фермер ҳақ, у қонуний ҳақини кечикмай олиши лозим. Биз ушбу масалага оид ҳар қандай муножиратни эътиборсиз қолдирмаслиққа ҳаракат қилаёямиз. Мисол учун, ўтган ойлар ичида мулкдорлар манфаатини кўзлаб, ҳўжалик судларига 286 та даъво аризалари киритилди. Натижада фермер ҳўжаликлари фойдасига 1244,9 млн. сўм маблағ ундириб берилди. Улар орасида Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги «Нурмат Хўжақул» фермер ҳўжалиги (54,6 млн. сўм), Фарғона вилояти Фурқат туманидаги «Бекрўз Балқинжон орузи» фермер ҳўжалиги (49 млн. сўм), Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги «Мамий» фермер ҳўжалиги (5,2 млн. сўм) сингарилар бор.

Таъкидлаш жоизки, бу борада юзага келаятган муаммоларни бартараф этиш учун уюшма, унинг ҳудудий филиаллари томонидан аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи, шунингдек, тайёрловчи ва савдо ташкилотлари ўртасидаги шартномавий муносабатлар бўйича доимий мониторинг юритилмоқда.

Кези келганда уюшмамиз қошида фаолият юритаётган деҳқон ва фермер ҳўжаликлари қўллаб-қувватлаш фонди ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсам. АТ Халқ банки, «Туронбанк», «Агробанк», «Хамкорбанк» ва ТИФ «Миллий банк» билан кредит линиялари очиб бўйича имзоланган битим асосида жорий йилнинг

дастлабки чорагида деҳқон ва фермерларга қишлоқ ҳўжалиги техникалари харид қилиш, чорвачиликни ривожлантириш, иссиқхоналар барпо этиш учун 2 млрд. сўмдан зиёд микрокредитлар ажратилди.

Уюшма қошидаги «Агро Trade Market» масъулияти чекланган жамияти томонидан республикамиз ҳудудида 75 та «Деҳқон дўқони» ташкил этилиб, шу ҳисобдан 190 та янги ўрни яратилди. Қисқа давр орасида ушбу дўқонлар орқали деҳқон ва фермер ҳўжаликлари 412 млн. сўм микрокредитга қимёвий воситалар, уруғлик ва қўчатлар содтиди.

— Суҳбатимиз охирида соҳа вакиллари олдида турган энг муҳим вазифаларга тўхталсак.

— Бугунги янгиланиш ва ислохотлар жараёни олдимизга бир-биридан муҳим масалаларни кўндаланг қўймоқда. Кўзланган мақсадларга осонлик эришиб бўлмаслиги ўз-ўзидан маълум. Шундай экан, қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларни янада чуқурлаштириб, ишга янгича ёндашшимиз, замонавий агротехнологияларни амалиётга кенг жорий этишимиз лозим. Хозирги кунда айрим ҳудудларда экинларни экиш ва парваришда, ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг ўтказишда муайян қийинчиликлар ҳам юзага келмоқда. Чунки тармоқда фойдаланилаётган техника воситаларининг бир қисми маънан эскирган. Уларни янгиларига алмаштириш учун деҳқон ва фермерларга яқиндан ёрдам кўрсатиш талаб этилади. Жойларда бу борадаги ишлар бо- скичма-босқич олиб борилаётганлигини таъкидлаш керак, албатта.

Суҳбатдош:
Носир ТОШЕВ.

Тадбиркорлик

ҚАШҚАДАРЁДА БАЛИҚЧИЛИК РИВОЖЛАНЯПТИ

Ўтган йили банкдан 24 млн. сўм кредит олиб, 1 гектар ҳавзада балиқчиликни йўлга қўйган «Эшон Тўйчиев» фермер ҳўжалигида айни кунларда 600 дона оқ амур, 500 дона карп, 700 дона дўнг пешона балиқ чавақлари парваришланаяпти.

«Оқ амур балиқчилиги» хусусий корхонаси ташкил этилгани ҳам кўп бўлгани йўқ. Тадбиркор Илҳом Узоқов корхона ишини ривожлантириш мақсадида «Микрокредитбанк»дан олган 25 миллион сўмлик кредит эвазига 1,7 гектар майдондаги сунъий сув ҳавзасини кенгайтириб, реконструкция қилди. Эндликда бу ҳавзага 70 килограмм увилдирик ташланиб, дастлабки йилдаги маҳсулот ҳажмини 2 тоннага етказиш режалаштирилаяпти.

— «Дунё-М» очик акциядорлик жамиятида эса балиқчилик ҳўжаликлари учун алоҳида омхта ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги айни мuddао бўлди, — дейди тадбиркор. — Бу қулайлик ишимизни ривожлантиришга ёрдам бермоқда.

ҚАШҚАДАРЁДА БАЛИҚЧИЛИК РИВОЖЛАНЯПТИ

ҚАШҚАДАРЁДА БАЛИҚЧИЛИК РИВОЖЛАНЯПТИ

Ўтган йили банкдан 24 млн. сўм кредит олиб, 1 гектар ҳавзада балиқчиликни йўлга қўйган «Эшон Тўйчиев» фермер ҳўжалигида айни кунларда 600 дона оқ амур, 500 дона карп, 700 дона дўнг пешона балиқ чавақлари парваришланаяпти.

«Оқ амур балиқчилиги» хусусий корхонаси ташкил этилгани ҳам кўп бўлгани йўқ. Тадбиркор Илҳом Узоқов корхона ишини ривожлантириш мақсадида «Микрокредитбанк»дан олган 25 миллион сўмлик кредит эвазига 1,7 гектар майдондаги сунъий сув ҳавзасини кенгайтириб, реконструкция қилди. Эндликда бу ҳавзага 70 килограмм увилдирик ташланиб, дастлабки йилдаги маҳсулот ҳажмини 2 тоннага етказиш режалаштирилаяпти.

— «Дунё-М» очик акциядорлик жамиятида эса балиқчилик ҳўжаликлари учун алоҳида омхта ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги айни мuddао бўлди, — дейди тадбиркор. — Бу қулайлик ишимизни ривожлантиришга ёрдам бермоқда.

Муносабат

ҚОРАКЎЛЛИК КАСАНАЧИЛАР ДЕПУТАТЛАР КЎМАГИГА МУҲТОЖ

ҚОРАКЎЛ ТУМАНИ ҲОКИМИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИ РАИСИ МАТЛУБ НЎМОНОВ ДИҚҚАТИГА!

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

2012 йилнинг I чорак якунларини тахлил этар эканмиз, Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида ҳам амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳар бир қоракўллик фуқаро ҳаётида ўз аксини топаётганига амин бўлдим. Айниқса, намунавий уй-жойлар барпо этиш, аҳолига тиббий, маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги натижалар изчил ислохотлар самарасидан далолат бермоқда.

Тахлилчиларнинг фикрича, 2011 йилда туманда sanoat ишлаб чиқариш ҳажми 54,7 миллиард сўмни, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса 30,6 миллиард сўмни ташкил этиб, аҳолининг реал даромадлари 22,6 фоизга ошди.

Худудий инвестиция дастури доирасида 260 минг АҚШ доллари қийматидаги лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, «Қоракўл Жасури» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси 75 минг АҚШ доллари қийматида қондитер маҳсулотлари, «Енгил парвозда текстиль» МЧЖ негизда 90 минг АҚШ доллари қийматига тенг бўлган трикотаж маҳсулотлари, «Назарбек» ишлаб чиқариш фирмаси томонидан эса 70 минг АҚШ доллари қийматига тенг пойабзал ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Бундан ташқари, «Усмон Файз» СИЧФ негизда макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилди. Шунингдек, 130 минг АҚШ доллари эвазига «Матлуботсавдо» СИЧФ негиздаги 400 тонналик сийғима эга музлатгичли камера реконструкция қилиниб, ишга туширилди. Бу жараёнда 2400 та юридик, 950 та яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ва 270 та фермер ҳўжалиги вакилларининг ҳиссаси ҳам катта бўлмоқда.

Аммо ана шундай натижаларга қарамай, туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг кредит олиш, ер-мулк билан боғлиқ масалалар, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган дастурлар ихроси талаб даражасида эмаслигини таъкидлаш лозим. Мавжуд муаммоларни ҳал этишда маҳаллий кенгашидаги депутатлик гуруҳларининг амалий ишлари фақат қоғозлардагина олиб борилаётгани мавжуд масалаларнинг тўла ечим топмаётгани ҳам сабаб бўлаяпти.

Айни пайтда туманда ЎзХДПнинг 13 нафар, О'zLiDePнинг 9 нафар, «Миллий тикланиш»ДПнинг 5 нафар ва «Адолат»СДПнинг 3 нафар депутати фаолият олиб бораёпти. 143700 киши истиқомат қилаётган туманда бор-йўғи 3200 нафар фуқаронинг 4 та партия сафига бирлашгани эса Қоракўлда сиёсий партиялар фаолиятига баҳо бериш учун асос бўлди. Кейинги икки йилда халқ депутатлари туман кенгашидаги депутатлик гуруҳлари томонидан эса

худуддаги ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг бажарилиши билан боғлиқ бирорта ҳам масала сессиялар кун тартибига киритилмагани оддий сайловчилар томонидан ҳам таъкидланаяпти. Маълумки, Бош Қомусимизнинг 99-моддасида худудлардаги ҳокимлар

ламаётгани маълум бўлди. Айни пайтда «Қоракўл-донмаҳсулотлари» ОАЖда 241 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаёпти. «Дўстлик» МФЙ ҳудудида жойлашган мазкур корхона маъмурияти томонидан Умида Ботирова — аёллар сартароши, Гулшод Жўраева — ошпаз, Эркин

АЙНИ ПАЙТДА ТУМАНДА ЎЗХДПНИНГ 13 НАФАР, О'ZLiDePНИНГ 9, «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ДПНИНГ 5 ВА «АДОЛАТ»СДПНИНГ 3 НАФАР ДЕПУТАТИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЯПТИ. 143700 КИШИ ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ТУМАНДА БОР-ЙЎҒИ 3200 НАФАР ФУҚАРОНИНГ 4 ТА ПАРТИЯ САФИГА БИРЛАШГАНИ ЭСА ҚОРАКЎЛДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИГА БАҲО БЕРИШ УЧУН ҲАМ АСОС БЎЛИШИ МУМКИН.

етақчилик қиладиган кенгашилар ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, уларга давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб тегишли масалаларни ҳал этиш ваколати берилган. Афсуски, туман ҳокими, халқ депутатлари туман кенгаши раиси, ЎзХДП аъзоси М.Нўмонов етакчилик қилаётган кенгаш депутатлари ҳар доим ҳам ана шу меъёрга риоя қилмаётдилар. Биз Қоракўлда бўлиб, аҳолини касаначилик асосида ишга жойлаштириш масалаларини ўргангач, бунга ишонч ҳосил қилдик.

Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари С.Раҳимовдан халқ депутатлари туман кенгаши сессиялари баённомалари билан танишиш ва касаначиликни оммалаштириш бўйича қандай ишлар олиб борилаётгани ҳақида маълумот сўраганимизда мазкур масала бўйича шахсан туман ҳокимига муножират қилишимиз кераклигини, ҳоким руҳсати-сиз бирор бир ҳужжатни кўрсата олмаслигини айтиди. Туман ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш масалалари бўйича ўринбосари Т.Раҳимовга муножиратимиз ҳам қўйилган натижага бермади.

Шундан кейин Бухоро вилояти ҳокимлиги мутасаддиларидан маълумот олишга тўғри келди. Қайд этилишича, 2011 йили Қоракўл туманида жами 6039 та иш ўрни яратилиб, уларнинг 1162 таси айнан касаначилик асосида ташкил этилган. Туман «Бандликка қўмақлашувчи марказ» маълумотларида эса худудда 216 (эътибор берилсин!) нафар касаначи иш олиб бораётгани кўрсатилган. Бир-биридан фарқ қилувчи бундай рақамлардан кўринадики, туманда касаначиликка талаб даражасида эътибор қаратилмапти. Мақола саҳифаланаётган кун бундай ноаниқлик сабабини билиш, нотўғри маълумот эълон қилиб қўймаслик мақсадида туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарига яна телефон орқали муножират қилдик. Афсуски, бу галги ҳаракатимиз ҳам бесамар кетди.

Шу ўринда, ўрганишларимиз айрим ишлаб чиқариш корхоналари билан касаначилик ўртасида тузилган шартномалар фақат қоғоздагина расмийлаштирилаётганини кўрсатди. Масалан, «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган туман пахта тозалаш заводи хиссадорлик жамияти тивув цехида 8 нафар касаначининг корхона буюртмаларини бажараётгани қайд этилган. Бирок, бу ерда ҳеч ким иш-

Хамроев — сомсапаз, Авлиёқул Қиличев — этиқдўз, Наргиза Раҳмонова — Раунет оператори, Умида Фафурова — дўкон мудури ва Шаҳзодебек Асроров — дўкон сотувчиси сифатида касаначилик асосида ишга қабул қилинганлар. Афсуски, ана шу фуқароларнинг айримлари бу ерда ишлаб чиқаришнинг таъкидлаш асосида ишга қабул қилинганлар. Афсуски, ана шу фуқароларнинг айримлари бу ерда ишлаб чиқаришнинг таъкидлаш асосида ишга қабул қилинганлар.

Шу ўринда, мазкур масала бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини, унинг ижросига маҳаллий ҳокимликлар билан бирга сиёсий партияларнинг жойлардаги вакиллари ҳам бирдек маълум эканини таъкидлаш жоиз. Тахлилчилар бу борада ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдида мақсад қилган ЎзХДПнинг маълумоти кўпроқ эканини таъкидламоқдалар. Зеро, партия Сайловолди дастурида «Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, шу жумладан, касаначилик шаклларида меҳнатни ташкил этишнинг қонун билан белгиланган қарорларини янада ривожлантириш» лозимлиги алоҳида қайд этилган.

Аммо ХДПнинг жойлардаги тузилмалари томонидан нафақат партия дастурлари, балки электроратга тааллуқли масалаларда ҳам сансалоликка йўл қўйилмаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, ХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида Қоракўл туманида ҳам касаначиликни жорий этиш ва шу йўл билан аҳоли бандлигини таъминлашга қўмақлашувчи вазифаси белгиланганлигига қарамай, халқ демократларининг сўнги икки йилда бирон бир ташаббус ёки тақлифини илгари сурмадилар. Мазкур масалада туман кенгаши сессиясига ҳеч қандай тақлиф киритилмагани ҳам ЎзХДПнинг ўз электроратига қандай муносабатда бўлаётганини билдириб турибди. Бу эса ХДП билан бирга бошқа сиёсий партияларнинг ҳам туманда депутатлик сўрови институтидан тўғри фойдалана олмаётганларини, жамоатчилик назоратини ташкил этишда лоқайдликка йўл қўяётганларини кўрсатаяпти.

Мақолага нуқта қўяр эканмиз, туман ҳокимлиги билан бирга халқ депутатлари Қоракўл туман кенгашидаги депутатлар ҳам бундан тегишли хулоса чиқариб, ўз зиммаларидаги маълумотни англамас эканлар, қоракўллик сайловчилар ишончини қозона олмасликларини таъкидлашни истардик.

Самарқанд. Каттақўрғон туманидаги "Бахрин" фермер хўжалиги қошидаги БПТда «Фермерлик: устувор вазифалар, ёндашувлар, мавжуд муаммолар ва ечимлар» мавзусида ахборот-эшитиш ташкил этилди. Маҳаллий кенгаш депутатлари, О'зЛиДеР туман кенгаши масъуллари ҳамда БПТ раислари қатнашган тадбирда фермерлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жиззах. Бахмал туманида кенгаш «Мустақкам оила йили»да О'зЛиДеРнинг устувор вазифалари ва унда БПТларнинг роли ва ўрни» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Давлат дастури моҳиятини кенг оммага тушунтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Тошкент. «Комтек» МЧЖ қошидаги БПТда Президентимизнинг «Ўзбекистон Мустақилликка эришиш оstonасида» номли китобини ўрганишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда мазкур асарнинг мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилиб, унинг мамлакатимиз тарихининг муҳим даврини ўрганиш учун асосий илмий-маърифий манба эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Бошланғич партия ташкилотларида

Пайшанба | 2012 йил 3 май

WWW.21ASR.UZ

18 (442)-СОҢ

e-mail: axborot21asr@yahoo.com

Фаровонлик ва тараққиёт учун масъулмиз

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
«XXI ASR»

Сир эмас, айрим юртдошларимиз ҳалигача О'зЛиДеР хусусида сўз борганида уни асосан тадбиркор ва ишбилармонлар, фермер ва кичик бизнес субъектлари вакиллари манфаатини ҳимоя қилувчи сиёсий институт сифатида тилга олмақдалар. Аммо аслида либерал-демократик гоялар ва партия зиммасидаги мақсад-вазифалар жамиятимизнинг барча қатламлари манфаати билан чамбарчас боғлиқ эканини унутмаслик керак. Биз Сирдарё туманида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилотлари иши билан танишиш жараёнида бунга яна бир бор амин бўлдик.

Тумандаги етакчи тадбиркорлик субъектларидан бири — «Кардио сервис» хусусий фирмаси аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Аввалига ўз фаолиятини фақат юрак хасталикларини даволашдан бошлаган мазкур шифо масканида айни пайтда турли йўналишдаги тиббий муолажалар ҳам амалга ошириляпти.

— Тиббиёт ва сиёсат бир қарашда турли кутблардаги тушунчалардек туюлиши мумкин, — дейди муассаса қошидаги бошланғич партия ташкилоти раиси, 1-тоифали шифокор Махмуд Йўлдошев. — Лекин мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча жабҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди. Аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланди. Хусусий мулкнинг дахлсизлиги тан олинди, бозор иқтисодиёти талаблари ва имкониятлари тиббиётга ҳам кириб келга-

ни жаҳон андозалари даражасида иш олиб боришимизни тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида соҳада соғлом рақобатни ривожлантириш, мазкур йўналишнинг янада такомиллашувига хусусий бизнесга бўлган ишончнинг мустақамланишига сабаб бўлмоқда. Аксарият касбдошларимизнинг илгор қараш ва амалий натижаларни устун қўяётган О'зЛиДеР атрофида бирлашганларнинг боиси ҳам ана шунда.

Таъкидлаш керак, ушбу замонавий тиббий муассасада ишлаш ва турли муолажаларни амалга ошириш учун яратилган шароит пойтахтдаги шифохоналардан қолмайди. Аммо мижозларни жалб этаётган омил фақат шу эмас. О'зЛиДеР атрофида уюшиб, замонавий фаолият олиб бораётган аксарият ходимларнинг беморларга муносабати, корхонадаги ишчан муҳит ва интизом ҳам аҳоли эътиборини тортмоқда.

— 2005 йилда беш нафар ходим билан бошланғич ташкилотга асос солгандик, — дейди фирма раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши муолажалар ҳам амалга ошириляпти.

— 2005 йилда беш нафар ходим билан бошланғич ташкилотга асос солгандик, — дейди фирма раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши муолажалар ҳам амалга ошириляпти.



Муассаса ходимларининг таъкидлашларича, бундай тартиб уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишларига ҳам кенг йўл очмоқда.

— Корхонамизда турли мавзудардаги партиявий-сиёсий тадбирларни ташкил этиш ҳам яхши йўлга қўйилган, — дейди БПТ фаоли Муборок Мирзаахмедова. — Аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Тадбирларни фақат ҳисобот учунгина ўтказишга қаршимиз. Улар асосан жонли мулоқотлар тарзида ташкил этилаётгани шу маънода яхши самара бера-

япти.

БПТ фаолияти билан танишиш асносида яна бир янгиллик гувоҳ бўлдик. Фирма раҳбарияти сазой-ҳаракати билан йил бошида яна 3 та кўшимча иш ўрни яратибди. Яъни, тиббиёт коллежини тамомлаган уч нафар ҳамшира қиз тиббиётчи либераллар сафига қўшилибди. Аслини олганда, бу ажабланарли ҳол эмас. Зеро, О'зЛиДеР доимо янгиланиш, олға интилиш ва эл-юрт қори учун ёниб яшашни ўз ҳаёт тарзига айлантирган, инсонлар бошини қовуштираётган сиёсий кучдир.

«АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

Наманган. О'зЛиДеР Наманган вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлимининг Поп шаҳрида «Хусусий мулкнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада мустақамлаш — устувор вазифа» мавзусида ўтказилган тадбирида оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга амалий кўмаклашиш масаласи муҳокама қилинди. Йиғилишда «Оилавий тадбиркорлик тўрисида»ги қонуннинг аҳамиятига тўхталиб, оилавий бизнесни йўлга қўймоқчи бўлган хотин-қизларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Тошкент вилояти.

«Аёллар қаноти»нинг жорий йили лойиҳаларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизлар ўртасида тиббий маданиятни янада юксалтириш, уларга ҳар жиҳатдан кўмаклашишга катта эътибор қаратилган. «Соғлом оила — мустақам оила» лойиҳаси доирасида жойларда ўтказилаётган спорт мусобақалари ана шу мақсадда ташкил этилмоқда. О'зЛиДеР Бекобод туман кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан «Спортдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак!» шiori остида ўтказилган мусобақаларда 6 та жамоа югуриш, баскетбол, стол тенниси бўйича куч синашди.

Андижон.

О'зЛиДеР «Аёллар қаноти»нинг «Соғлом оила — мустақам оила» лойиҳаси доирасидаги навбатдаги тадбири Андижон вилоятининг Балиқчи туманида ташкил этилди. Унда аёл саломатлиги, унинг соғлом турмуш кечириши ва зарарли иллатларга қарши курашишда мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги масаласи атрофлича муҳокама қилинди.

Наргиза Қаҳорова тийрлади.



ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА...

БУГУНГ БУХОРО ВИЛОЯТИДА ПАРТИЯНИНГ 412 ТА ҚЎЙИ БЎҒИНИ БЎЛИБ, УЛАР ЎЗ АТРОФИГА 8999 НАФАР АЪЗОНИ БИРЛАШТИРГАН ҲОЛДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА

Асқор ИСТАМОВ, «XXI ASR»

Бошланғич ташкилотларда бу йилги ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик руҳида ўтди, десак хато қилмаймиз. Тадбирлар давомида ўтган давр мобайнида амалга оширилган партиявий-сиёсий ишлар чуқур таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, кадрлар масаласи, ташкилий-партиявий ишлар, БПТлар фаолияти, ечимини қутаётган муаммолар юзасидан кўплаб амалий таклифлар ўртага ташланди.

Навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари вилоятдаги кўпгина бошланғич ташкилотларда ошқоралик, ўз-ўзини танқид руҳида ўтказилганлиги эътиборга моликдир. Бу жойларда муҳим партиявий тадбирга пухта ҳозирлик кўрилганидан далолат беради.

Жумладан, Бухоро шаҳридаги «Саломатлик маскани» хусусий шифохонаси, «Бухоро» халқаро аэропорти, «Миллий банк»нинг Когон шаҳар бўлими, Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси, Жондор туманидаги «Евросонар» масъулияти чекланган жамияти, Бухоро туман кишлоқ ва сув хўжалиги бўлими қошидаги бошланғич ташкилотларда эришилган ютуқлар алоҳида таъкидланиб, мавжуд камчилик ва муаммолар атрофлича таҳлил қилинди.

Фақат шугина эмас. Йиғилишларда партия аъзоларининг фаол иштироки таъминланди. «Мустақам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш, партиянинг 2012 йилги Ҳаракат дастури ижросини таъминлашда БПТларнинг ўрни ва иштирокига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги истиқболли режалар ҳам белгилаб олинди. Энг асосийси, вилоятдаги қўйи бўғин раисларидан 360 нафарига қайта ишонч билдирилди, уларнинг иш тажрибасини омдалаштириш юзасидан кўплаб таклифлар ўртага ташланди. Бу партиявий-сиёсий ишларни такомиллаштиришда, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эгадир. Партия аъзолари 30 нафардан ортиқ бўлган 55 та бошланғич ташкилотда кенгашлар тузилиб, улар ўз фаолият доирасини кенгайтирмоқда. О'зЛиДеРнинг Сайловолди платформаси, партия Уставида белгилаб берилган устувор вазифалар ушбу кенгашлар учун асосий мезон бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

БПТларда ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг бир қатор матбуот нашрлари, вилоят телевидениеси ва радиосида кенг ёритилганлиги партия электорати сафларини янада мустақамлаш, шунингдек, оммавий жамиятимиздаги етакчи сиёсий кучлардан бири — О'зЛиДеРга бўлган ишонч ҳамда хайрихоҳлигини янада оширишга хизмат қилади, албатта.

ФЕРМЕР ХОРИЖГА БОРАДИГАН БЎЛДИ

ҲАР ҚАНДАЙ СИЁСЙ ПАРТИЯ ЎЗ ЭЛЕКТОРАТИ БИЛАН КУЧЛИ ВА БАҲҚАРОДДИР. О'ЗЛИДЕР ШУНИ НАЗАРДА ТУТИБ, ЎЗ САФЛАРИНИ ФИДОЙИ, ТАШАББУСКОР ИНСОНЛАР ҲИСОБИГА КЕНГАЙТИРМОҚДА

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI ASR»

Иштихон туманидаги «Қирқийигитлик Олим-Бобур» фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Эргашев етакчилик қилаётган хўжалик ишчи-хизматчиларнинг 15 нафари О'зЛиДеР аъзоларидир. Ҳам раҳбар, ҳам БПТ етакчиси сифатида уларга доимо бош-қош.

Ушбу фермер хўжалиги 70 гектар ер майдонига эга бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг йил сайин мўл ҳосил етиштирмоқда. Бу борада Б.Эргашевнинг бой тажрибаси ва омилкорлиги жуда кўл келаётди. Фермерликка қадам у «Абдулла Бердиқулов» номли жамоа хўжалигида бригада бошлиги бўлиб ишлаган. Далаларда эрта-ю кеч фидокорона меҳнат қилинди. Самара ҳам шунга яраша бўлди. Пахта ҳосилдорлиги 35-40 центнердан

кам бўлгани йўқ. Шу боис хизматлари муносиб қадрланди, 2004 йилда ҳуқуқматимиз томонидан «Фидокорона меҳнатлари учун» ордени билан мукофотланди.

Ўз билим ва тажрибасига ишонган Б.Эргашев 2006 йилга келиб мустақил фермер хўжалигини ташкил этди. Ер майдонларини кенгайтиришга, ҳосилдорлигини муттасил оширишга ҳаракат қилди. Интиланган — толе ёр. Дейлик, у «Ташаббус-2009» кўрик-танловининг туман босқичида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, вилоят босқичида «Энг муруватли фермер» номинацияси бўйича голиб топилиб, қимматбаҳо совға ва «Фахрий ёрлик» билан тақдирланди.

— Ҳуқуқматимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан мамнунмиз, — дейди Б.Эргашев. — Ўз техникаларимиз бор. Зарур пайларда худудимиздаги ММТП ёрдамга келади. Очиги, О'зЛиДеР биз каби фермерлар ҳаётида катта

роль ўйнамоқда. Ишчиларимизнинг аксарияти унинг сафларига киришган. Партия туман кенгашининг турли тадбирларида қатнашиб, билимларимизни оширамиз. Бу, шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда. Яқинда бўлиб ўтган сиёсий учрашувлардан бирида иштирок этарканман, фермер ва тадбиркорларни хорижга жўнатиш бўйича партияимиз ва Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган кўшма қарор билан таниша туриб, ўйлаб юрган режамнинг амалга ошишидан қувондим. Чунки ушбу қарорга кўра янги, замонавий технологиялар билан танишиш ва харид қилиш учун мен ҳам хорижга бориб келадиган бўлдим. Зеро, ерга ишлов беришда кам қувват талаб қилинадиган ихчам техника ва технологияларнинг аҳамияти каттадир. Улар деҳқонга қанот бўлиб, ҳосилдорликни оширишга хизмат қилади, албатта.

Дарҳақиқат, шундай. Куч — бирликда. Фермер, О'зЛиДеР фаоли, бошланғич ташкилот етакчиси Бахтиёр Эргашевнинг ҳам доимо ёнида турадиган фидойи инсонлар бор. Булар партиянинг фаол аъзолари — тракторчи Эркин Рустамов, ишчилар Бекмирза Ражабов, Ойтула Содирова ва бошқалардир.

XXI ASR

ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

2012 ЙИЛ 7 ОЙИГА

БПТлар учун имтиёзли

ОБУНА

уюштириляётгани маълум қилади.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80



«Савдогарбанк»

Реклама ўрнида

МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН-GERМАНИЯ «САВДОГАР» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ АЙНИ ПАЙТДА ЎЗИНИНГ 26 ТА ФИЛИАЛИ, 25 ТА МИНИ-БАНКИ, 25 ТА МАХСУС ВА 27 ТА ЖАМФАРМА КАССАЛАРИ, 40 ТА ХАЛҚАРО ПУЛ ЎТКАЗИШ ШОХОБЧАЛАРИ ОРҚАЛИ МИЖОЗЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДА

Мусурмон РЎЗИЕВ,
«XXI ASR»

2012 йил 1 апрель ҳолатига банк миқозлари сони 130 мингдан ошган. Бу ўтган йилнинг айни давrigа нисбатан 11 мингтага кўп, демакдир.

Таъкидлаш жоизки, банкда иқтисодиётнинг устувор соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда барча имкониятлар сафарбар этилмоқда. Куйидаги рақамларга эътибор берайлик. Банк томонидан жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 17,5 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Шундан, 3,3 млрд. сўми саноат, 3,8 млрд. сўми қишлоқ хўжалиги, 3,7 млрд. сўми сервис ва хизмат курсатиш, 786 млн. сўми қурилиш хиссасига тўғри келади. Бошқа тармоқларга ажратилган кредитлар 5,9 млрд. сўмини ташкил этмоқда. Ушбу сармоялар хисобига ҳудудларда 689 та янги иш ўрни яратилди. Қолаверса, бир неча корхона ўз молиявий аҳолини мустаҳкамлаб, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди.






Шунингдек, аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун 1,9 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди. Ажратилган кредитларнинг 780 млн. сўми ишлаб чиқариш, 171 млн. сўми қишлоқ хўжалиги, 655 млн. сўми савдо ва 298 млн. сўми бошқа соҳаларга тўғри келади.

«Савдогарбанк» уй-жой сотиб олиш учун ёш оилалардан ўз молиявий ёрдамини аямаётди. Ўтган қисқа давр мобайнида шу мақсадда ажратилган ипотека кредитлари миқдори 579 млн. сўмини ташкил этди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоралар тадбирлари тўғрисида»-ги фармони асосида «Мустаҳкам оила йили» да кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозиргача ёш оилаларга 753 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Шундан 339 млн. сўми ипотека, 25,7 млн. сўми истеъмол ва 388 млн. сўми микрокредитлардир. Республикада банк сармоялари хисобига уй-жойли бўлган, турли рўзгор буюмлари харид қилган ёки микрокредит олиб, хусусий тадбиркорликни ривожлантирган оилалар кўпчиликини ташкил қилади.

Бозор — ўз номи билан бозор. Ҳозирги кунда рақобатбардош, сифатли озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этади. Шу мақсадда банк томонидан 6,9 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Кредит маблағларининг асосий қисми технологик ускуналар ва хом ашё материаллари сотиб олишга йўналтирилди.

Банкнинг Иштихон туман филиали эса аҳолини сифатли парранда гўшти ва тухум маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун «Холмат-



тоблар ҳажмини ошириш, республикаимиз молия бозорига пластик карталарга асосланган замонавий усулни кенг жорий этиш диққат марказида турган масалалардан биридир.

Айни кунда муомаладаги банк пластик карточкалари 146 мингтадан, терминаллар эса 3100 тадан зиёдорни ташкил этади. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришга тобора катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган «Интернет-банкнинг» ва «Банк-миқоз» каби интерактив хизматлардан фойдаланиш ҳажми бир неча марта ошганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Президентимизнинг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чоралар тадбирлар тўғрисида»-ги фармони (2008 йил 28 ноябрь) ижросини таъминлаш мақсадида «Савдогарбанк» аҳолига миллий валюта шаклида бир неча омонат турларини таклиф қилди. «Бахтли болалик» жамғарма омонати, «Хазина» «Истикбол», «Кафолат», «Орзу», «Наврўз Айёми» ва турли муддатларга белгиланган омонатлар ана шулар жумласидандир.

Бир сўз билан айтганда, аҳиллик ва ҳамжихатлик ўз самарасини бермоқда. Жорий йилда пул-кредит муносабатларини янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Молиявий муассаса ходимлари шундан келиб чиқиб, миқозлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, кенг оммага намунали хизмат кўрсатишга, уларнинг ишончли маддакори бўлишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

«Ипотека банк»

МИЖОЗ МАЊФААТИ – БИРЛАМЧИ

2012 ЙИЛНИНГ I ҚОРАГИДА «ИПОТЕКА БАНК»НИНГ ШАХРИСАБЗ ФИЛИАЛИ ТОМОНИДАН МИЖОЗЛАРГА 1,7 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДАГИ КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида банк хизмати маданиятини ошириш, пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. «Ипотекабанк»нинг Шахрисабз филиали жамоаси ҳам ушбу таъминот қатъий амал қилиб, миқозлар ишончини қозонмоқда. Зеро, аҳолига жаҳон стандартлари даражасида хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлардан фойдаланилаётди. Шу боис қадимий Шахрисабзда «Ипотека банк»нинг мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Жорий йилнинг дастлабки қоррағида миқозларга 1,6 млрд. сўм кредит ажратилди. Амалда бу миқдор 1,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Бошқача айтганда, асосий кредит маблағлари хусусий тадбиркорликни ривожланти-

риш, ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, аёллар тадбиркорлигини кенгайтиришга йўналтирилмоқда. Қувонарлиси, шу ҳисобдан жойларда 130 киши доимий иш билан таъминланди. Бу борада банк молиявий аҳолининг соғломлиги муҳим аҳамият касб этганлиги шак-шубҳасиз.

Келинг, ўрни келганда филиалнинг 2011 йилдаги иқтисодий кўрсаткичларига бир назар ташлайлик. Филиалнинг соф активлари ўтган йил бошида 1,2 млрд. сўмини ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичлардан фойдаланилаётди. Чунки банк жамоаси кучли рақобат шароитида миқозлар сафини янада кенгайтириш учун янги, замонавий имкониятлардан кенг фойдаланилаётди. Жумладан, «Интернет банкинг» ва «СМС банкинг» дастурлари орқали хизмат кўрсатиш барчага манзур бўлмоқда. Миқозлар сони қисқа вақт орасида 55 тага кўпайганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Реклама

O'ZSANOATQURILISHBANK

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ

«Оилавий тадбиркорлигининг энг яхши бизнес лойиҳаси»,

«Аёл тадбиркорлигининг энг яхши бизнес лойиҳаси»,

«Касб ҳунар коллежи битирувчисининг энг яхши бизнес лойиҳаси» йўналишларида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танлов лойиҳаси талаблари:

1	Танлов иштирокчиси:	Бизнес лойиҳани тақдим этган «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимида асосий ҳисоб рақамига эга кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликлар
2	Бизнес лойиҳа мақсади:	Хизмат курсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантириш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш
3	Иштирокчилар томонидан ҳужжатларни тақдим этиш:	«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимидаги барча филиалларга лойиҳа ташаббускорлари томонидан ҳужжатлар 2012 йилнинг 25 июнига қадар тақдим этилади
4	Танловни ўтказиш муддатлари:	2012 йилнинг 1 майдан 15 июлига қадар
5	Танлов натижалари бўйича голибларни эълон қилиш муддати:	2012 йил 16 - 18 июл
6	Танлов голибларнинг тақдирланиши:	Танлов голибларига голиблик дипломи ва қимматбахо буюмлар соғва қилиниб, Ўзсаноатқурилишбанк кредит сибсати талаблари асосида имтиёзли кредит маблағлари ажратилади

Қўшимча маълумотлар учун минтақавий филиалларнинг кредит бўлимлари телефонлари:

Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари	Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари	Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари
Ахборот-коммуникация минтақавий филиали (371) 225-19-65, 225-07-40	141-71-01	Сўғдиёт минтақавий филиали (371) 225-19-65, 225-07-40	141-71-01	Самарқанд минтақавий филиали (371) 225-19-65, 225-07-40	141-71-01
Аҳоли хўжалиқ минтақавий филиали (371) 225-19-65, 225-07-40	141-71-01	Тошкент минтақавий филиали (371) 225-19-65, 225-07-40	141-71-01	Фарғона минтақавий филиали (371) 225-19-65, 225-07-40	141-71-01
Қишлоқ минтақавий филиали (371) 225-19-65, 225-07-40	141-71-01	Ўзбекистон минтақавий филиали (371) 225-19-65, 225-07-40	141-71-01	Ташкент вилоят минтақавий филиали (371) 225-19-65, 225-07-40	141-71-01
Шаҳар минтақавий филиали (371) 225-19-65, 225-07-40	141-71-01	Амалот бўлими (371) 225-19-65, 225-07-40	141-71-01		

Вақт давомида синалган ишонч!

Universalbank

ВАЛЮТНАЯ КАРТА VISA CLASSIC ДЛЯ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ

Валютная пластиковая карта VISA Classic от УНБ - это удобство при расчётах совмещённая с простотой использования, при этом надёжность, без географической привязки.

Став держателем карты VISA Classic, Вы получаете возможность:

- Оплачивать товары и услуги в торговых-сервисных предприятиях по всему миру;
- Снимать наличные в банкоматах любой страны в нужной Вам валюте;
- Осуществлять удалённые транзакции: бронировать авиа и железнодорожные билеты, гостиницы, а также оплачивать товары и услуги в сети Интернет;
- Получать скидки при оплате картой в торговых-сервисных предприятиях - участниках дисконтной программы УНБ;
- Получать отчёты о совершённых операциях по карте на мобильный телефон или электронную почту в режиме реального времени.

Как получить карту VISA Classic от УНБ?

- Заполнить форму Заявления в офисах УНБ или на сайте Банка www.universalbank.uz;
- Подписать Договор;

Размер неснижаемого остатка составляет \$100, которые при закрытии карты будут возвращены владельцу.

Ташкентский филиал: 100029, г.Ташкент, ул. Матбучилар,32
Тел.: +99871 150 39 90. Факс: +99871 233 68 56
Головной офис: 150700 г.Коканд, Ферганская область, ул. Шохруход
Тел.: +99871 150 39 90. Факс: +99873 553 36 45
E-mail: info@universalbank.uz
www.universalbank.uz

БАНК ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН УЧ ОЙИДА кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 17,5 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Шундан, 3,3 млрд. сўми саноат, 3,8 млрд. сўми қишлоқ хўжалиги, 3,7 млрд. сўми сервис ва хизмат курсатиш, 786 млн. сўми қурилиш хиссасига тўғри келади.

ҚОРА МУШУК ПАНЖАСИ

МУТАХАССИСЛАРНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, ЖАҲОНДА ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР САРФ ЭТАЁТГАН УМУМИЙ ВАҚТНИНГ ҲАР ОЛТИНЧИ ДАҚИҚАСИ АСОСАН ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРГА ТЎҒРИ КЕЛМОҚДА. УЛАРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР СОНИ ЭСА БУГУНГИ КУНДА 1 МИЛЛИАРД 200 МИЛЛИОН КИШИДАН ОРТИБ КЕТДИ. БУ ЕР ШАРИ АҲОЛИСИНING ДЕЯРЛИ ҲАР ОЛТИНЧИСИ «ВИРТУАЛ ИЖТИМОЙ ҲАЁТ»ГА ЭГА, ДЕГАНИДИР

Файзулло АБДУЛБОКИЕВ

Инсоният тарихи — урушлар тарихидир... Ибтидоий жамоа тузумида бир парча гўшт илинжида бошланган ихтилоф кейинчалик яшаш учун гўзал ва қулай маконлар излаш, бошқа қабилаларни қулга айлантириш орқали уларга мутлақ ҳукмронлик қилиш истагини уйғотди. Гарчи цивилизация даврида инсоният тарқиёт чўққисини эгалласа-да, аммо урушлар қаммайди.

Минг афсуски, урушлар тарихи XXI асрда ҳам давом этмоқда. Буни англаш учун кейинги ўттиз йил давомида муҳим талотўплар рўй берган минтақа ва давлатлар номи тилга олинса бас.

Ҳа, чиндан инсоният тарихи урушлар тарихи билан чамбарчас боғланган. Аммо кўз ўнгимизда ўзининг кўринмас иплари билан бутун-бутун юрт ва минтақаларни, ҳатто улкан сайёрамизни ҳам ўз измига солиш истагида яна бир уруш кечмоқда-ки, бу мафқуралар ва маънавий таҳдидлар жангидир.

Бу урушда рақибни кўриш ҳам, ушлаш ҳам мумкин эмас. Аммо у бор.

Бунинг устига, ҳар қандай маънавий таҳдиднинг ўзига яраша ҳамкорлари, таъбир жоиз бўлса, мақсад йўналиши қаратилган макондаги ўз одамлари бўлади. Уларни эҳтимол тушунчанимиздаги айғоқчилар, деб бўлмас. Лекин уларни ҳеч бир иккиланмай маънавий таҳдид жарчилари, ана шу иллатни бошқаларга ҳам тарқатиб юрган маънавий ногиронлар, хасталар, деб аташ мумкин.

Булар ўзларига замонавийлик, яшашнинг сўнгги урфидек туюладиган ҳар қандай хориж янгилигини тиз чўкиб тавоб қилишга тайёр, уни кўр-кўрона тараққийнинг олий намунаси, деб эътироф этадиган кишилардир.

XXI аср бошида Жа-

хон банки томонидан эълон қилинган "Глобаллашув, иқтисодий ўсиш ва камбағаллик" номли маърузада қайд этилишича, ўтган асрнинг саксонинчи йилларида бошланган глобаллашувнинг учинчи тўлқини уч миллиарддан кўпроқ ки-

"2x2" телеканали орқали аллақачон намоён бўлиб келмоқда. Глобал экологик муаммолар, терроризмнинг глобал характери, наркотрафик ва уюшган жиноятчилик XXI асрда ҳақиқатан ҳам инсониятга жиддий таҳдид сола бошлади. Айни шундай

бал муаммолар билан рубарў келмоқда. Глобал экологик муаммолар, терроризмнинг глобал характери, наркотрафик ва уюшган жиноятчилик XXI асрда ҳақиқатан ҳам инсониятга жиддий таҳдид сола бошлади. Айни шундай

БУГУН ДУНЁНИНГ СОҒЛОМ ФИКРЛИ

ЗИЁЛИЛАРИ ҲАМ ДУНЁ МИҚЁСИДАГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИНING, ХУСУСАН, ЗЎР БЕРИБ ТАРҚИБ ЭТИЛАЁТГАН «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»НИНГ КЎПЛАБ ХАЛҚЛАР УЧУН САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДАЛАР.

шининг турмуш тарзига бевосита ва билвосита таъсир кўрсата бошлаган. Натижада интеграция жараёни кескин кучайди. Бу гарчи иқтисодий жиҳатдан ўз самарасини берса-да, бироқ айна пайтда глобаллашув шиори остида давлатларни бир хиллаштиришга, бир хил қоидаларга асосланган ҳаёт, бир хил қадрият, бир хил одат ва ахлоқ қоидаларига бўйсунтиришга қудратли коммуникация воситалари орқали ёшлар онгига таъсир кўрсатишга кенг майдон ҳам яратиб берди.

Бугун дунёнинг соғлом фикрли зиёлилари ҳам дунё миқёсидаги глобаллашув жараёнининг, хусусан, зўр бериб тарғиб этилаётган "оммавий маданият"нинг кўплаб халқлар учун салбий таъсирини эътироф этмоқдалар.

Албатта, маънавий таҳдидларга салбий муносабатда бўлишнинг ўзи етарли эмас. Бундай таҳдидларнинг табиати, илдири, манбалари ва ўзаро алоқаларини чуқур англаб етганимиздагина уларга қарши туриш осон кечади.

Мушоҳада юритсак, бундай хуружлар асосида бир ёвуз мақсад ётганини сезамиз.

Шунинг учун ҳам маънавий таҳдидларга нисбатан кўплаб мамлакатларда изчил кураш олиб борилаетир. Мана бир мисол. Уч-тўрт йил аввал Россияда Американинг "Жанубий парк" (South Park) мультфильми прокуратура ходимлари томонидан экстремистик мазмундаги «асар» деб топилди. Ҳолбуки, бу мультфильм Россиянинг

толтайди, диндорлар ҳиссиётини ҳақоратлайди, айни пайтда шафқатсизлик ва зўравонликни тарғиб этади", деган хулосага келишган.

Дарҳақиқат, кўп ҳолларда "Оммавий маданият" никоби остида зўравонлик, фахш, ахлоқсизлик гоёлари тарғиб қилинапти. Бу "маданият"га учган ҳар қандай миллатнинг эса неча минг йиллик қадриятлари, маънавий бойликлари ўз таъсирини йўқотиши ёки қадрсизланиши аниқ.

"Оммавий маданият" асосини "Аввал мен, кейин бошқалар!" кўринишдаги гарбона эгоцентризм гоёси ташкил этишини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Кўна Шарқда эса оилага, жамоага эътибор, улар манфаатини устун қўйиш анъанаси минг йиллар давомида ўзининг ижобий натижаларини бериб келган.

Шу ўринда бугунги фан-техника ривожланиши, ахборот-коммуникация технологияларининг бекиёс тараққий этиши ахборот алмашинув жараёнларини тезлаштириб юборганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Айни пайтда мўъжазгина кулбадан туриб ҳам бир неча дақиқаларда бутун дунёга турли хилдаги ахборотларни тарқатиш мумкин бўлиб қолди. Аммо ижтимоий ҳаётимизга кириб келадиган ҳар бир ижобий нарсаси ўз ортидан бир қатор салбий оқибатларни етаклаб келиши ҳам табиий ҳол экан. Бир сўз билан айтганда, олам ва одам оқсак тараққий этмасида жуда ўткир, таъбир жоиз бўлса, гло-

мураккаб бир вазиятда "ахборот хуружи" деб аталмиш бало ҳам пайдо бўлди-ки, унинг оқибатларини ён атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳам кўрсатмоқда. Айтايлик, интернет деб аталмиш улкан алоқа майдонидида турли халқлар менталитетига, минг йиллар давомида шаклланган ўзига хос характериға ёт бўлган ахборотлар жойлаштирилиб, улар ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати — ушбу рақам кўнига 200-250 минг кишига кўпаймоқда. Сўнгги икки ойда Хитойда олиб борилётган "интернетдаги жиноятлар"га қарши кураш кампаниясида мамлакат ҳуқуқ тартибот идоралари 1065 кишини қўлга олганлар.

Интернетни тартибга солиш бўйича кампания Хитой расмийларининг фикрича, асосан форум ва ижтимоий тармоқларга сиёсий миш-мишлар ва бошқа "зарарли" ахборот чиқиб кетишининг олдини олишга қаратилган.

Синхуа агентлигининг хабар қилишича, ўтган икки ой мобайнида "миш-миш ва уйдирма тарқатиш"га дахлдор 16 та веб-сайт ёпилган, 208 мингта "зарарли" онлайн хабари ўчириб ташланган. "Интернет орқали миш-миш тарқатиш халқимиз манфаатларига зиён етказувчи, давлат хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорликни емирувчи жиддий муаммага айланди", дейилди Хитой Интернет ассоциацияси томонидан тарқатилган баёнот-



да. 2011 йил охирида Хитойда интернетдан фойдаланувчилар сони 513 миллион кишига етган. Бу мамлакатга алоқадор веб-сайтлар сони эса 2,3 миллиондан ошган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ижтимоий тармоқлар уларнинг ташкилотчилари учун, энг аввало, муҳим даромад манбаи ҳамдир. Кезик ахборот уммонини пулга айлантириш иштиёқи бундай тармоқ эгаларининг жуда тез бойиб кетишига хизмат қилмоқда. Айниқса, бундай ахборот деярли текинга, одамларнинг ўзи томонидан ижтимоий тармоқларга юкланаётгани ҳам ушбу йўналишни энг камхарж бизнесга айлантирди.

Масалан, Интернетдаги ижтимоий тармоқларнинг ҳозирда энг йириги ҳисобланадиган "Фейсбук" (Facebook)да 850 миллионга профиллар — фойдаланувчиларнинг шахсий саҳифалари қайд этилган бўлиб, Буюк Британияда нашр этиладиган The Economist журнали маълумотларига кўра, мазкур компаниянинг 2011 йилдаги соф даромади 1 миллиард АҚШ долларидан ошган. Умумий таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, Интернетдаги ижтимоий тар-

моқлардан фойдаланишга муккасидан кетган минглаб кишилар ўзларининг реал ҳаётдаги оилавий ва ижтимоий муносабатлари, ўқиш ва иш жараёнидаги мажбуриятларига масъулиятсиз ёндаша бошлаганлар. Масалан, Gallup тадқиқот агентлиги маълумотларига кўра, АҚШ ва Канадада ҳар учинчи оиланинг ажралишига айнан ижтимоий тармоқ сабаб бўлмоқда. Афсуски, ўсиш тенденциясини

намоён этаётган ушбу ҳолатни Европада ҳам кузатиш мумкин.


Бугун дунёда ана шу муаммони давлатлар ўзларича ечишга уринаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Бироқ давлатларнинг яқка тартибда ижтимоий тармоқларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган уринишлари ҳали-бери қутилган натижаларни бермаяпти. Интернетнинг глобал хусусиятини эътиборга олиб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ундаги

ижтимоий тармоқларни ҳуқуқий тартибга солишда халқроқ ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу нуқтага назардан ҳам таҳлилчилар нуфузли халқроқ ташкилот — БМТ доирасида Интернетни, шу жумладан, ундаги ижтимоий тармоқларни, ҳуқуқий тартибга соладиган махсус халқроқ норматив ҳужжат ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши мақсадга мувофиқлигини таъкидламоқдалар.

воқеалар, далиллар, шарҳлар

ЧЕКЎВЧИЛАРНИ 100 ДОЛЛАР БИЛАН ҚАЙТАРИШМОҚЧИ



Янги Зеландия ҳукумати мамлакатда 2025 йилгача чекишни буткул тугатишни режалаштирмоқда. Турган гапки, буни бирдангина амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳукумат мазкур жараёни босқичма-босқич олиб боришни кўзда тутаяпти.

Маълумотларга кўра, 2013 йилдан эътиборан Янги Зеландияда тамаки маҳсулотларининг нархи йилга 10 фоизга оширилади. Натижада 2015 йилга бориб бир қути сигаретанинг нархи 40 долларга етади.

Мутахассисларнинг фикрича, тамаки нархининг йилга 30 фоизга ошиши туфайли 2025 йилда бир қути сигарета нархи 100 долларга тенг бўлади.

«ЕВРО-2012» КЎЧИРИЛАДИМИ?



УЕФА вакили Мартин Каллен Днепрпетровск шаҳрида содир этилган портлашлар туфайли футбол бўйича Европа чемпионати Украинада ўтказилмаслиги мумкин, дея баёнот берди.

«Евро-2012»ни кўчириш ниятимиз йўқ, аммо бунинг эҳтимоли бор», деди Мартин Каллен. Шу ўринда, Испания футбол федерацияси Европа чемпионатини ўтказиб бериш таклифи билан чиққанини ҳам қайд этиш лозим.

Испания футбол федерацияси президенти Анхель Мария Вильяр Украинада рўй берган кўпуровчилик ҳаракатлари ва ушбу мамлакатда вужудга келган нотинчлик туфайли УЕФА президенти Мишель Платинига мазкур мусобақани Испанияда ўтказиш таклифи билан чиққан.

«ЭСТРАДА ЮЛДУЗИГА ЎХШАШНИ ИСТАЙМАН»



Халқроқ пластик жарроҳлик жаҳияти аъзоларининг маълум қилишларича, Жанубий Кореяда 19 дан 49 ёшгача бўлган аёлларнинг 20 фоизи пластик жарроҳликни бошидан кечирган. Кўзани қаттароқ қилиб кўрсатадиган юқори қовоқ пластикаси ва липопластика (товуш тўлқинлари ёрдамида ёғларни йўқотиш) ҳозирда энг кўп ўтказилаётган муолажалардандир.

Мутахассислар бундай мураккаб амалларнинг тобора оммалашаётганини поп мусикаси ривожини билан боғлашмоқда. Чунки клиникага мурожаат қилаётган аксарият мижозлар эстрада юлдузларига ўхшашни истамоқда. Маълумотларга кўра, энг кўп пластик жарроҳликдан фойдаланадиган мамлакатлар қаторига Жанубий Кореядан ташқари Греция, Италия, Бразилия, Колумбия, АҚШ, Япония, Франция ва Мексика қиради.

Халқроқ ҳайдовчилар учун янги қонун

Хабарларга қараганда, қўнчиқар мамлакат — Японияда автомобиль ишқибозлари учун янги қонун қучга кирган. Унга кўра, 70 ёшдан ошган ҳайдовчилар мунтазам тиббий кўриқдан ўтишлари лозим бўлади. Агар тиббий текширувдан сўнг қариялар хотираси заифлашгани маълум бўлса, улар ҳайдовчилик гувоҳномаларидан маҳрум бўладилар.

Мамлакат йўл ҳаракати нозирларининг таъкидлашича, автоҳалокатларнинг аксарияти айнан кекса ёшдаги ҳайдовчилар томонидан содир этилмоқда.

Маълумотларга кўра, айни пайтда Японияда қария ҳайдовчилар сони 7 миллионни ташкил этади.

Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.



Ijtimoiy-siyosiy gazeta

ОБУНА

ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy,
tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab
tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.

«2012 йил — Мустақкам оила йили»

«ХАЁТ УЧУН!» ХАЙРИЯ ФОРУМ-МАРАФОНИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Бу йилги марафонда маданият ва санъат, эстрада, кино, театр намояндалари, спортчилар, шифокорлар, дипломатик корпус, жамоат ташкилотлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, хорижлик меҳмонлар, талабалар, мактаб ўқувчилари, жисмоний имконияти чекланган одамлар, марафонларнинг вилоятлардаги энг фаол қатнашчилари, бир сўз билан айтганда, хайр-саховат ҳамда хотин-қизлар саломатлигини сақлаш госяига бефарқ бўлмаганлар иштирок этди.

Марафон-2012 беш босқичда бўлиб ўтди: 1) инклюзив таълимни қўллаб-қувватлаш бўйича югуриш, 2) ёш болали оилалар, 3) мактаб, лицей ва коллежлар ўқувчилари, 4) турли ташкилотлардан хотин-қизлар, шифокорлар ва дипломатик корпус вакиллари, 5) талабалар, кўнгилчилар, артистлар, спортчилар.

Тадбир давомида старт ва финишда кўрак безини текшириш бўйича рисолат тарқатилган ахборот пунктлари ташкил этилди ва уларда шифокорлар саволларга жавоб қайтарди.

Лойиҳани қўллаб-қувватлаган ва Марафон-2012да иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган хорижий давлатлар вакиллари орасида АКШ, Корея Республикаси, Ҳиндистон, Италия элчихоналари, ЮНЕСКО, Британия Кенгаши, БМТ, БМТ Тараққиёт дастури (UNDP), Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA), Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Корея ҳамкорлик агентлиги (KOICA), Конрад Аденауэр номидаги жамғарма, Жаҳон банки, Германия



халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ва бошқалар бор.

Пойтахтимизда марафонни ўтказиш арафасида кўрак бези саратонига қарши курашга бағишланган қатор лойиҳалар амалга оширилди. 23 апрель кuni «Жар» стадионида театр, кино актёрлари, эстрада икоччилари ва муסיқачилар, шунингдек, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази кўнгилчилари ўртасида «Футбол ҳаёт учун!» хайрия футбол учрашуви бўлиб ўтди.

28 апрель кuni «Хаёт учун!» миллий уюшмаси ва АКШнинг Сьюзен Комен номидаги саратон касаллигига қарши курашиш халқаро фонди томонидан Ўзбекистонда кўрак бези саратонига чалинган хотин-қизларни ташвишлантираётган муаммоларни ҳал этишга бағишланган давра суҳбати ташкил қилинди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва иқтимоий масалалар қўмитаси, Со-

ғлиқни сақлаш вазирлиги, Пенсия жамғармаси, фармацевтика компаниялари, маънавият муассасалари вакиллари, шифокорлар, психологлар, ҳуқуқшунослар ҳамда кўрак бези саратони билан касалланган хотин-қизлар иштирок этди.

Форум-марафони Ўзбекистонда 2010 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Анъанага кўра, унда тўпланган маблағлар «Хаёт учун!» кўрак бези саратони миллий уюшмасининг дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирил-

моқда. Жумладан, 2011 йилги марафон якунилари бўйича соҳа мутахассислари (онкогинеколог, маммолог, УЗИ мутахассиси, психолог) томонидан мамлакатимиздаги 11 минг нафардан ортиқ хотин-қиз тиббий кўриқдан ўтказилди ва уларга маслаҳатлар берилди. «Хаёт учун!» миллий уюшмасининг бундай тадбирларида Жанубий Корея, АКШ, Исроилдан келган шифокорлар ҳам иштирок этди. Истикболда тажриба алмашиш мақсадида Ўзбекистонлик шифокорларни Амалга Кореяга юбориш режа-

лаштирилмоқда. Уюшма лойиҳалари доирасида уч йил давомида кўрак бези саратони ташхиси қўйилган 300 нафардан зиёд хотин-қиз умумий қиймати 900 миллион сўмдан ошқ доридармон билан таъминланди. «Хаёт учун!» миллий уюшмасининг ташхис қўйиш тадбирларида қарийб 20 минг хотин-қиз кўриқдан ўтказилди. Кўрак бези саратонига чалинган икки бемор Жанубий Корея ва Исроилдаги тиббий клиникаларида жароҳлик йўли билан даволанди.

Янгилик

ПАРЛАМЕНТДА ГАЛСТУК ТАҚИЛМАСИ!

Японияда «ишга — галстуксиз» шиори остида ўтказиладиган умуммиллий кампанияга старт берилди. Унга мувофиқ, давлат идоралари хизматчилари куз фаслигача ўз идораларига галстук ва пиджаксиз бориши мумкин. Хабарларга кўра, бундай «англикларнинг жорий этилишига Кунчиқар юрт биноларидаги кондиционерлар кўрсаткичини 28 даражадан паст қўйиш тақукилиниги сабаб бўлган. Аҳамиятлиси, бундай чоралар мамлакат парламентида ишлайдиганлар учун ҳам қўлланилади. Шу боис, қонун чиқарувчиларга 1 июндан иш жойларига ҳатто жинси шим ва футболкада келиш учун рухсат берилди. Маълум бўлишича, шу тариқа Япония ҳукумати офисларни салқинлаштириш учун сарфланадиган электр қувватини иқтисод қилишга қарор қилган.

Олимп сари



ЛОНДОНГА ОЛТИТА «ОГНР» ЙЎЛЛАМА

Жанубий Кореяда оғир атлетика бўйича ўтказилган Осие чемпионатида улуғжамоа ҳисобида бешинчи ўринни банд этган Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси ХХХ эғзи Олимпия уйинларида иштирок этиш имконини берувчи яна битта йўлланмани қўлга киритди. Тажрибали оғир атлетиканичи Марина Сисоева 48 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида штангани силтаб кўтаришда бронза, иккикурашда қумуш медални қўлга киритган бўлса, яна бир ҳамюртимиз — Махлиё Тоғаева даст кўтаришда қумуш, иккикураш баҳсларида эса бронза медал билан тақдирланди.

Нуфузли турнирда эркаклар ўртасидаги баҳсда муносиб иштирок этган терма жамоамиз етакчиси Руслан Нуридинов даст, силтаб кўтариш ва иккикураш натижасига кўра, 1 та қумуш ва 2 та олтин медални қўлга киритган бўлса, яна икки полвонимиз — Улугбек Олимов ва Ғиёсийдин Аҳмедов тегишли равишда олтин ва бронза медаллари билан тақдирландилар. Эслатиб ўтиш жоиз: ўтган йили Францияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни банд этган йигитларимиз 5 та олимпия йўлланмасини қўлга киритган эди. Шу тариқа Лондон Олимпиадасининг оғир атлетика баҳсларида юртимиз шарафини 6 нафар спортчи ҳимоя қиладиган бўлди.

Бунёдкорлик

«БОШПОЧТАМТ» ЯНГИ ҚИЁФАГА КИРАДИ

Ташки қўрилиши тубдан ўзгартрилиб, пойтахтимиз қиёфасига кўрк бахш этакдиган иморатлар қаторига «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг бош биноси ҳам қўшилидиган бўлди.

ОАЖ ахборот хизматидан хабар қилинишича, Тошкент шаҳридаги Бошпочтамт биноси замон талабларига жавоб бермай қолгани сабабли айна пайтда мажбур объектга мезморий-бадий беэак бериш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. Маълумотларга кўра, мутахассислар томонидан бионинг техник ҳолати текширувдан ўтказилганидан сўнг, навбат қурилиш-монтаж ишларига берилди.

Шу ўринда, «Ўзбекистон почтаси»нинг вилоятлардаги тармоқлари иморатларини янгилаш бўйича ҳам чоралар қўрилаётганини, хусусан, айна пайтда Жиззах вилоят филиалининг Зомин ва Мирзақўл почта алоқаси тармоқлари биноларида капитал таъмирлаш ишлари якунланаётгани, Навоий филиалининг Янги Томди ҳамда Самарқанд вилоятидаги Қўшрабат почта алоқаси тармоғи биноларида тўлиқ таъмирлаш ишлари олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз.

Тадбир



ЎЗБЕК ОШПАЗЛАРИ САММИТИ

Пойтахтимиздаги «Intercontinental» меҳмонхонасида Ўзбекистон ошпазлар уюшмасининг I Халқаро саммити бўлиб ўтди. Мамлакатимизда умумий овқатланиш соҳасини ривожлантириш ҳамда уюшма аъзоларининг халқаро миқёсда қўлга киритган ютуқларини кўрсатиш мақсадида ташкил этилган тадбирда юртимиздаги рестороанлар, меҳмонхоналар ва шу каби муассасалар учун малакали ошпазлару қондолатчиларни тайёрлаш, фойдали таомлар турини кўлпайтириш, хорижлик мутахассислар билан ҳамкорлик ўрнатиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоиз: Россия, Азарбайжон, Молдова ва Руминиядан келган меҳмонлар пойтахтимизнинг шу соҳага ихтисослашган лицей ва коллежлари талабалари томонидан ташкил этилган таомлар кўргазмаси билан ҳам танишдилар. Саммит якунида уюшманинг ривожига ҳисса қўшган, шунингдек, қўллаб-қувватлаш иштириган устоз-ошпазларга фахрий ёрлик ва рағбатлантирувчи совғалар топширилди.

Реклама

Advertisement for Kсимелин (Kсимелазолин) featuring a car race image and text describing its benefits for respiratory ailments.

Advertisement for Йодомарин (Йодомарин) featuring a family image and text describing its benefits for iodine deficiency and immunity.